

**Собиржон ИНОМОВ**

# **ТУН БАҒРИДАГИ ШАРПА**

*Бадиалар ва ҳикоялар*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент - 2007

84(5У)6 Ҳ38. 2Д28. 2Сарлари

Тақризчи: З.Исомиддинов,  
филология фанлари номзоди

84(5У)6  
И58

Иномов, Собиржон.

Тун бағридаги шарпа: Бадиалар ва  
ҳикоялар/ Собиржон Иномов.—Т.:  
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси, 2007. — 726


ББК 84(5У)6

10 32888  
291

№ 74-2007 Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

ISBN - 978-9943-06-032-6

© Собиржон Иномов, 2007 й.  
© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й.



## ТУН БАҒРИДАГИ ШАРПА

Бадиа

Кўкламнинг серёгин кунлари. Газетанинг навбатдаги сонини ҳозирлаш учун муҳаррир бошлиқ барча ходимлар қоғоздан бош кўтармаймиз. Каллага дам беришга фурсат йўқ. Пойгада от чоптираётган улоқчиларга ўхшаймиз. Зорманда 250 сатрлик “материал”ни юмалоқ-ёстиқ қилиб тезроқ топширсаму тамакидан димиққан хонани тарк этсам... Шу алфозда мук тушиб ёзаётганимда эшикни биров кетма-кет қоқди.

— Кириг, — дедим бошимни қоғоздан кўтармай. Эшик очилди-ю хонани фаранг атрининг ҳиди тутиб кетди. Башанг кийинган, ёши етмишлардан ошиб қолганига қарамай, худди тўйга бораётгандай ясаниб олган аёл изн сўрамай, такаллуфсиз ўриндиққа жойлашди. Қисқа салом-аликдан сўнг:

— Хуш келибсиз, хола, хизмат? — дедим ёшлиқдаги хусн-латофати шундоқ сезилиб турган аёлга бошдан-оёқ разм солиб.

— Шундай ўзим, олдингизга бир важ билан келгандим. Қариганда ўғил-қизнинг меҳрига муштоқ бўлиб қолар экансан киши. Молу дунём етарли. Лекин бу савил матоҳлар меҳр тафтини босолмасакан. Катта қизимнинг дийдорига, меҳрига зорман. У мени она демайди. Уни тўққиз ой қорнимда кўтариб, туққанман-ку! Шу қизимни ўнг қаратиб берсанглар. Онасига қиё боқмаган фарзандгаям бу дунёда жазо бордир, ахир. Шу ҳақда газетага ёзсанглар, дегандим.

Онахон ўзини таҳқирланган ҳолатда кўрсатиб, охори тўкилмаган камзулининг ички чўнтагидан тўрт буклоғлик қоғоз чиқариб узатди. Ундаги жумлалар шу қадар чиройли хуснихат билан ёзилган эдики, мазмунидан кўра ҳарфларнинг зобитлардек саф тортиб тургани мени ҳайратга солди. Журналист билан дўхтирнинг ёзувидек, тушунарсиз битик бўлмаса керак. Дунёда шундай хушхат одамлар ҳам бор-а, дея ичимда офаринлар айтдим.

— Ҳа, иним, тўрт қатор жумлада қандай хато боракан? — дея аёл фикримни тўзғитиб юборди.

— Хато йўқ, — дедим ўзимни қўлга олиб. Сўнг сўрадим:

— Шикоят хатини ўзингиз ёздингизми?

– Йўқ, – деб онахон ростига кўчди. – Мен айтиб турдим, қизим ёзди.

– Демак, яна қизингиз бор экан-да.

– Худога шукр бор. Ўнта бўлса, ўрни бошқа. Буни она бўлган билади.

Бир сонияда хатнинг мазмунидан огоҳ бўлдим. Ўша, кампирнинг ўзи айтган гап. Фақат унда “Қизим бемехр. Бойбадавлат хонандонда камлик нималигини билмай семириб яшамоқда. Онасини билмаган, танимаган қизни газетада танқид қилиб, ёғ босган кўзини очиб қўйсанглар, деган жумлалар” йўқ, холос.

– Майли хола, хатингизни бафуржа ўрганиб чиқамиз, – дедим илк бор бундай шикоятга дуч келганим учун. Бизга қизингизнинг манзилини қолдиринг. Улар билан ҳам учрашиб, асл муддаони билишимиз лозим.

– Қизим билиши шартмикан, газетада ўқиса девдим, – аёл бир нимадан ҳадиксирагандек, тараддудланиб қолди.

– Шарт, – дедим қатъий. – Қизингизни огоҳлантирмай туриб, шикоятни чоп этолмаймиз. Қоидаси шундай.

– Бўлмаса, шу қоғознинг этагига ёза қолинг, – дея кампир қизининг манзилини хушламай айтди. Яна бир илтимосини ҳам кўшиб қўйди:

– Ўғлим, шикоятнинг остига Отинойи, деб имзоласангиз... Бу даҳада мени шундоқ аташади.

– Ихтиёрингиз, – дедим шикоятчининг раъйига қарши бормай.

Аёл қандай кириб келган бўлса, шундайлигича хайр-хўшни насия қилиб чиқиб кетди. Хонада қимматбаҳо атирнинг ифори қолди...

Рости, бу аёлнинг ташрифи менда нохуш таассурот қолдирди. Ночор эмаслигини калондимоғлик билан ўзи айтиб турибди. Кексая бошлаганида ўз қизи устидан шикоят ёзишга уни нима мажбур қилди экан? Мехрга зорман, дейди. Мехрга ташналигини ифодаловчи бирор ҳолатни пайқамадим. Жиллақурса, кўзига ёш олиб, обидийда қилса-чи. Борини уйда қолдириб, одмигина кийиниб келса-чи. Бўйнидаги қават-қават маржон, билагида кишандай энли тақинчок, бармоқларда кўша-кўша гавҳар кўзли узуклар, қулоқларда узиб тушгудек зираклар... Ва ниҳоят кўз кўрса қувонадиган хуснихат шикоят...

“Ол-а”, дедим ўзимга-ўзим. Режадаги маттни топширишга бор-йўғи 40 дақиқа қолибди. Мен эса танимаган-билмаган бир отинойининг бисотидаги тақинчоқларига маҳлиё бўлиб, хаёл суриб ўтирибман-а. Хатни ғаладонга ташлаб, ишга шўнғидим. Район маккажўхорикорларини ғалабага ундовчи тезкор мақола ёзаётган эдим. Соҳа жонкуярларини бўлиқ сўталар олишга давъат этдим. Район иқтисодиётини сиз етиштирган макка дони мустаҳкамлайди, дедим. Думбул бўлган сўталарни зинҳор болаларингизга қайнатиб берманг, ичкетар қилади, деб огоҳлантирдим. Бунни туман бойлигини пароканда қилмаслик, қирон келтирмаслик маъносида айтдим (ҳар бир оила думбул қайнатиб еяверса, барака қоладими?). Хуллас, маккажўхорикорлар эгнига шундай тарғибот-ташвиқот тўнини ташлаётиб, бояги аёл тақинчоқларининг лоақал биттаси қанча пул тураркин, деган хаёлга берилдим.

Макка эккан одам уни бўйи баравар қилгунча меҳнат қилади. Дим ҳавода уни чопиқдан чиқаради. Дорилайди, суғоради. Дон етилгач, йиғиштириб, икки қўллаб омборга топширади. Бригадир сахийроқ бўлса, берди худо — деҳқонга 50-100 боғ атрофида маккапоя илинади. Йил бўйи олаётган бир чимдим маош, маккапоя сотилганида ҳам ҳаммасини жамласа битта узук пули бўлмасов.

Сабр-бардошингга балли, азамат “дала маликаси” соҳиблари, деб давъаткор мақолага нуқта қўйдим. Сўнг шошганча кашфиётимни босмага бериш учун атир ҳиди аримаган хонамни тарк этдим.

\* \* \*

Кечки овқат устида бояги отинойининг ташрифини онамга маълум қилдим. Тил югуриги бошга дегани шу бўлса керак-да, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган маломатлар сиртмоғида қолдим. Онам астойдил ранжиди:

— Мени десанг, ўша отинойини қайта хонангга йўлатма. У эл-юртнинг қарғишига қолган. Яна бир балони бошлаб юрибди экан-да.

Мен ҳайрон, ҳеч вақонинг фаҳмига бормадим.

— Нималар деяпсиз, ойи? Таҳририят эшиги ҳамма учун очиқ. Нотаниш одамни қандай ҳайдаб соламан?

— Қўрқмай ҳайдайвер, болам. Ҳарна, жаҳаннам эшигидан йироқ бўласан. Мени айтди, деявер. У имонсиз, алвасти хотин. Ҳа болам, алвастининг ўзгинаси.

— Аввал ўша хотиннинг не муддаода келганини айтай, ҳеч бўлмаса, — дея зорландим ойимни бироз жаҳл отидан тушуриш ниятида.

— Айтмасанг ҳам фаҳмим етиб турибди. Ўша беномус устида эл-улус оғзида бир гап ғимирлаб қолувди-я. Катта қизидан шикоят қилиб борган, тўғрими? Тўридан гўри яқин қолаётганида энди қизи керак бўлиб қолган-да. Қизининг ҳаётига ҳам заҳар ташламоқчидир, бу имонсиз!

... Уйдан чиқмайдиган онам отинойи ҳақида бунча гапни билиши мени ҳайрон қолдирди. Бу хунук тавсифлар асносида яна қандайдир сир борлигини фаҳмласам-да, сўрашга журъат қилолмадим. Яна, шу хабарни етказиб, онамнинг дилини хуфтон қилганимга пушаймон едим.

Лоп этиб, амакимнинг хотини — онамнинг овсини ёдимга тушди. Онам билан Нозик бувимнинг иттифоқлигини билганлар уларни опа-сингил дейишарди. Нозик бувим табиблик мақомида аллақачон кўпнинг тилига тушган, бу юмушни пул топиш учун эмас, савоб учун қилардилар. “Онагинанг ўргилсин” деган лутфлари оғушида бутун маҳалла болалари ийиб, талтайиб катта бўлганмиз. Нозик бувимни Худо ўғилдан қисган эди. Шу боис, мену акаларим бувимга ўғил бўлиб қолган эдик. Нозик бувим ҳар қандай чигал жумбоқни кексаларга хос босиқлик билан бир зумда ечиб берарди. Мақол-маталлардан тортиб, дунёда қанча эртақ бўлса, ҳаммасини ипидан-игнасигача жойига қўйиб сўзлашга моҳир эдилар.

Шуларни ўйлаб, эртаси оқшом пайти Нозик бувим олдига бордим.

— Вой, бўйларингдан онанг ўргилсин, — деб алқаб, дарров дастурхон ёздилар. Ширинлигу егулик билан ўртани тўлдириб ташладилар. Чой узатаётиб, маъноли тикилдилар. Кичик жуссали, лекин жонсарақ бувимнинг мулойим нигоҳида ҳамма гапдан воқифлик аломатлари баралла намоён эди.

— Онанг андек қизишибди, болам. Сен хафа бўлма. Лекин сени одам деб олдинга келгани, дўстдир-душмандир, зинҳор ҳайдама. Сен ўсадиган боласан. Жўяли жавобингни қилгин-у, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверсин. Катталарнинг ўтмишдаги хатосига сиз ёшлар айбдор эмассизлар. Инсон боласи борки,

ҳаётда қоқилади, адашади. Тўғри йўлни топгунича бўлари бўлади...

Бувим табиати шунақа. Ҳеч кимни ёмонотлиқ қилиб бировга сўзламайди. Онам ҳайдаб солишга даъват этган отинойини бувим кўз олдимда андиша билан оқлаётгани негадир менга эриш туйилди. Лекин бувим ҳаётга, инсонга инсон кўзи билан қараб, ҳақ сўз айтаётган эди. жон деб кечгача ёнларида ўтирсам дейману, иложи йўқ — шошиб турибман. Қай бир қир-адирдаги чўпон-чўлиқлар номидан кеча матбуотда чиққан мақолага лаббай, деган жавобларини ҳозирлашим керак.

Зийрак бувим бетоқат бўлаётганимни сездилар, шекилли, муддаога яқинлашдилар:

— Ўғлим, сен албатта, буларни билмайсан. Энди ақл билан иш тутгин. Бу бировга айтгулик гап эмас. Ўша отинойи деган аёлнинг асл исми Ҳаловат. Бу жувонмарг ёшлигида ҳар қандай эркак зотини ақлдан оздирар эди. Унинг хиёнат кўчасига қадам босишида эркакларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Ҳаловатнинг айби, бошқа тенгқурларига ўхшамагани, табиий латофатлилиги эди. Бу гўзаллиги алалоқибат аёлни жувонмарг қилди. Эл-улус ичида шармандаи шармисор этди.

Ҳаловат камбағал оиланинг фарзанди эди. Ота-онаси тенги чиқса текин бер қабилда, ўзлари каби камсуқум оилага узатди. Куёв елкасига қўнган бундай бахт қушидан масрур бўлиб, кўп ўтмаёқ эрлик ихтиёрини қўйнидаги офтобжамолга топширдикўйди. Йигит табиатан бўш-баёв, бир ишни ёлчитиб уддаламаган, ота-онасининг измидан чиқмаган, оғзинг қани деса қулоғини кўрсатадиган бир ландавур эди. Гўзал қизга уйланганидан тамоман маст бўлган куёвбачча уйдаги жами юмушларни ота-онасига қолдириб, уззукун Ҳаловатнинг атрофида гиргиттон бўлди. Бошини ювса, сув қуйиб турди. Қошларига ўсма эзиб берди. Тонг ёришмасдан ҳовли-жойга ҳовуздан сув келтириб шакароб қилиб севалаб, ўзи супурди. Шу йўсинда, биров билиб-бирова билмай, хонадонда бинойидек хотинчалиш бўлиб ўралашиб қолди. Ҳаловат эса бу камсуқум хонадоннинг каттаю кичиги ўз хусн-жамолига маҳлиё бўлиб, атрофида парвонадек чарх ураётганидан, боз устига бир ёстикқа бош қўйган куёвнинг ҳаддан ташқари ялтоқлигидан зерика бошлади. Бора-бора, ундан буткул кўнгли қолди. “Эр дегани андек зардали бўлгани дуруст экан. Бунча пойпатак бўлмаса... Изимда қанча лочин йигитлар юрган эди...” Кўнглига оралаган

ана шу қалтис илинж Ҳаловатни одамликдан чиқарди. Қорнида ҳомиласи борлиги ҳам кўзига кўринмади. Бир тўйда кўзлари чақнаб еб қўйгудек бўлиб тикилиб турган эркакдан кўнгли сув ичгандек бўлди. Мунчоқдек қизалоқ дунёга келгач, аранг уч ойга чидади. Чақалоқни ташлаб, кўз сузишгани билан бир кечада қаёққадир гумдон бўлди. Бир парча этни қўлда тутганча лапашанг, пайтава эр серрайиб қолаверди. Қийин-қийин, гўдакка қийин бўлди. Унга она сути, она меҳри керак. Ширин аллалар оғушида вояга етишга ҳақли бўлган мурғак маҳалла-қўйдаги болали хотинларнинг қайғусига айланди. Бир гал буви афтодаҳол бўлиб бола кўтариб эшикма-эшик юрса, бир гал бобо бахти кемтик набирасига умр тилаб, тикила-тикила йиғлаб, эшик пойлайди.

Худойим гўдакка узоқ умр ато этган экан. Бирда илиқ, бирда совуқ таом тотиб бўлса-да, қизалоқ яшаб қолди. Бобо билан буви эса қочоқ келин сабаб, ёққан маломатларга дош беролмади. Қўш устун бир кунда йиқилди. Ҳайҳотдек ҳовлида қўлида чақалоқ билан лапашанг куёв қолди. Ёрдамга иймонли тоға келди. Қизалоқни уйига олиб кетди. Қўзилаган келинига иккинчи фарзанд қилиб топширди. Бола тарбиясини ўз зиммасига олди.

Сал ўтмай бир кечада урушнинг совуқ хабари еру кўкни тутиб кетди. Тоғасининг насибасига шерик бўлиб юрган жиян боласига тикила-тикила урушга жўнаворди. Умри қисқа экан, қайсидир юртда окоп ичида қолиб, ҳалок бўлди, деган хабар келди.

Ҳа, болам, энди бу ёғини эшит. Ҳаловат отлиқ касофат шу алфозда уч инсоннинг умрини эрта хазон қилди. Боласи ҳам кўзига кўринмай, бегона эркакка ўзини топширган Ҳаловат кейин билса, ошиғи кўп хотинли, ҳар ерга зурриёдини ташлаб кетган ўзи каби бир тавия экан. Бундай эр билан Ҳаловатга Ҳаловат қайда? Кундошларнинг тиш қайраб келиб соч юлишлари, кўчани бошига кўтариб ҳақоратлашлари меъдасига тегди. Шундай гўзал ҳусну жамолига лой чаплашга ҳозир нозир турган кундошлар қутқусидан қутулиш Ҳаловат учун ҳамирдан қил суғургандек осон кечди. Бир чапани отарчининг этагидан тутганча яна ҳою-ҳавас ботқоғига ботди. Отарчи ҳам анойи эмас экан. Ҳаловатнинг беназир ҳусни-жамолидан тоза баҳра олиб, меъдасига теккач, сенга текин. томоқ қаёқда, энди тўйма-тўй юрамиз, яллачилик қиласан, пул топамиз, деб икки оёғини бир этикка тикиб олибди. Ҳаловат яллачилик қилганми-йўқми,



буёғи менга қоронғу. Оллоҳ ҳар бандасини бировга туҳмат қилишдан, ёлғон сўзлашдан асрасин.

Уруш тугаган йиллари қишлоқда шивир-шивир бўлиб қолди. Ҳаловат тун оғдириб келин бўлиб тушган уйига келса, эшикда кулф осиглик эмиш. Бирор кимсадан боласини сўроқлай деса, очиқ эшикнинг ўзи йўқ эмиш. Итлар ҳам ўчакишгандай “сен касофатни бу даргоҳга йўлатмаймиз” дегандай ирилашар эмиш. Дунёнинг ишини қарагин-а, болам. Ўз ота уйига етиб олишга мажоли келмай бир чеккада бечораҳол турганида шу қишлоқнинг тегирмончиси Шодмонбой йўлиқиб қолибди:

— Вой Шодмонбой ака, мени кутқаринг, — у шундай деганча тегирмончининг ун гарди ёпишган кийим-бошига ҳам қарамай кучоқлаб олганича қўйиб юбормабди. — Итлар мени еб қўйгудек қувалашаяпти.

— Қанақа ит? — Шодмонбой аёлни ўзидан итарганча ён-атрофга жонсарақ ҳолатда тикилиб сўрабди.

— Қанақа бўларди. Шу кўчанинг кўппаклари-да, — деб қошини сузиб нозу карашма қилибди. Сўнг андек синашга бўлиб олгач, қармоқ ташлабди.

— Шу топда ота уйимга боришга ҳолим йўқ. Мазам бўлмааяпти. Сиздан илтимос, мени тегирмон йўлагидаги хужрангизга олиб борсангиз. Озроқ исиниб олардим, — дебди ёлғондан қалтироғи тутиб.

Шодмонбойнинг кўнгли бўлмабди, бор-е, сен кимга вафо қилувдингки, менга қиласан, деб йўлида кетавермабди-да. Ҳаловатни етаклаб изига қайтибди...

Қишлоқда гап ётармиди-я. Шодмонбой оғзидан суви қочиб, бор гапни хотинига гуллаб қўйибди. Бир хотин билди, юз хотин қиличини қайради, деган гап. Шундан сўнг бирин-кетин эркакларимиз йўқолиб қолаверди. Бир-икки кундан сўнг қўшдан бўшалган ҳўкиздек шалпайиб, мулойим тортиб тунда эл кўзидан паналаб уйга қайтишарди. Ҳамма бало шундан сўнг бошланди. Омонатгина хас устида қалқиб турган баъзи оилалар шу баҳона парокандаликка юз тутди. Қишлоқда тирик етим болалар кўпайди.

— Ҳар қандай ишнинг ҳам оқибати бор-ку. Селсоветга имон-этиқодли киши раҳбар бўлиб келди. У бу кўнгилсизликка барҳам берди. Судни ишга солиб, олис бир ерга бадарға қилди. Ундан кейин Ҳаловатнинг ҳаёти қандай кечди, билмайман. Орадан йиллар ўтиб, яна ота уйига қайтган экан, буни биров билиб,

бирова билмай қолди. Ўша ёқлардан бир қиз орттириб келган, дейишади. Яна бировларнинг устидан юмалоқ хат ёзишга устаси фаранг, деб эшитганим бор. Бу қизгина-да, эрга тегиб, эрдан чиқиб кўп хонадонни абгор қилган. Қуш уясида кўрганини қилади-да. У ҳам онасидек енгилтак бўлган. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак-да. Бир ерда бирор юмушнинг этагидан тутмаган Ҳаловат кейинги пайтда шаҳарга қатнаб, катта отинлардан сабоқ олиб, бинойидек отин бўлганмиш. Фар қариса отин, ўғри қариса сўфи бўларкан, деган элда гап юради. Яна қайдам, яратган эгамнинг ўзи билади... — дея суҳбатга якун ясадилар бувим.

Нозик бувимнинг ҳамиша райҳону жамбил ҳидлари билан муаттар уйларида чикдим. Мавҳумликдан воқиф бўлганим боис, руҳим ҳам хийла енгил тортди.

\* \* \*

Эртаси куни ёз-ёз билан банд бўлиб, чалғидим. Машмаша ёдимдан кўтарилаёзибди. Яна бир иш кунини тарихда қолдириб, кўзғалаётганимда кўзим бехосдан ғаладон юзасидаги буклоғлик шикоятга тушди. Уни ён чўнтагимга солаётиб онасига ўнг қарамаётган қизнинг манзилини билиб олдим: Қатортерак кўчаси, 12-уй.

Эртаси тонгда Қатортерак кўчасига отландим. Ён дафтаримга олдиндан ҳар эҳтимолга деб уч-тўртта саволни битиб қўйгандим. Унут бўлаёзган ўтмишни эслатмоқчи бўлиб келяпман. Қариганида онангизга ўнг қарамай қўйибсиз, деган таъна ҳам бисотимда йўқ эмас. Аммо ким билади, маза-бемаза саволларинга жавоб беришга тобим йўқ, деб эшикни кўрсатса-чи. Унда нима қиламан? Чўнтагимдан шикоятни олиб бийрон-бийрон ўқиб бераман...

Шундай ўйлар оғушида дарвозани қоқдим. Не кўз билан кўрайки, эшикни эски қадрдоним, бир-икки қур даволанишимда хамхона бўлган Отакул ака очиб турибди-да!

— Э, Хизрни йўқласак бўларкан-ку, ука, — у бағрини очиб кўришаркан, қўярда-қўймай ичкарига бошлади. Йўл-йўлакай ҳол-аҳвол сўрашган бўлдик. Шинам айвон тўридаги нақшиндор хонтахта теграсига ёши элликларни қоралаган кўҳликкина аёл шошганча кўрпача ёзди. Сўнг қўли кўксига, хуш келибсиз, деб дарров изига қайтди.

— Булар келинойингиз бўлади. Вақти-соати шу кун экан-да? Энди таниб оласиз, — шифохонадаги гапни эслатиб яйраб кулди

Отакул ака. — Ўйинқароқ пайтингиз эди-да, кўчадан бери келмасдингиз. Ҳамширалар ортингиздан дори-дармон кўтариб юришарди. Келинойингизнинг сичқонинг қулоғидек келадиган митти чучварасини иккига бўлиб ер эдик, эсингиздами? Пазанда келинойимни ушлаб турмабсиз-да, кўриб олардим, деярдингиз. Мана бугун шундай улуг бахтга мушарраф бўлиб турибсиз-да.

— Ҳой, Тозагул, бери кел, мухбир укамни сенга бир танитиб кўяй. Не-не каззоб, қаллобларни пелетон қилган шу йигит бўлади. Адолат тигини бошига тож қилиб кийиб олган мухбир районда шу битта, десам ишонавер.

Тозагул опа ибо билан рўмолининг бир учини ҳимариб, ийманиброқ мендан ҳол-аҳвол сўради. Сўнг дастурхон тузатишга киришиб кетди. Зимдан зеҳн солдим. Тозагул опа чиндан-да, исми-жисмига монанд Тозагул экан. Атир-упасиз юзи нақ нақш олмадай тиниқ. Шаҳло кўзларида самимият, ҳаётдан қониқиш аломатлари балқиб турибди.

Шу тобда ўзимга ҳам бўйсунмаётган бир ҳадик ичимни сичқондай кемира бошлади. Отакул ака, “хўш ука, эрталабдан биз томонларга қадам ранжида қилибсиз, хизмат?” деб қолса, нима дейман? Бир шикоят юзасидан келувдим десам, шундай самимий шакаргуфторликнинг устидан мағзава ағдариб юбормайманми, боз устига ўз жигаридай яқин олган Отакул ака олдида нима деган одам бўламан?

Шикоятни ёзган отинийнинг гўрига фишт қалаётганимда кўққисдан Отакул аканинг ўзи мушқулимни осон қилди:

— Бандаси то гўрга киргунча боши ғалвадан аримас экан. Тунов кунни келинойингиз кўчадан гап топиб келди. Онаси кексайганида катта қизининг меҳрига муштоқ бўлиб қолганмиш. Агар ўнг қарамаса, газетга уриб, ўнглаб олармиш. Шундан буён янгангизнинг чиройи очилмайди. Кечагина сизни эслаб, уни юпатгандим:

— Кўявер, босишмайди, у ерда қадрдон укам бор. Шу баҳона дийдорлашиб келаман, девдим. Қаранг, ниятимиз холис-да, сизни худойимнинг ўзи етказди.

— Йўғ-е, — гапни атай ҳазилга бурдим ичим ёришиб, — ўтган йилги солиқни тўлаганмисизлар? Шунин билгани келувдим.

Отакул ака ўтган ҳангомани эслаб, шарақлаб кулди. Кўзларидаги ёшни артаётиб, ҳангома ҳаногомага улади:

— Боққа ўғирликка тушган афандига ўхшаб-а. Келинойимга нега ковуш олиб бермайсиз, — денг? Икковлашиб яйраб кулдик. Сал нарида омонатгина ўтирган Тозагул опа эса бизларга тикилганча кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасди. Унинг наздида биз бу беш кунлик дунёда ғам-ғусса билмай, ўлчоғлик умрни шодумон, ҳаловат билан ўтказаётган одамлардек кўринган бўлсак, ажаб эмас.

Мухбирлик тажрибам устун келиб, суҳбат жиловини қўлга олдим:

— Келинойи, модомики, муддао сизларга аён экан, гапни чувалатиб ўтирмайлик. Онангизга бўлган муносабатингизни қоғозга тушириб берсангиз. Ҳозир демайман. Фурсат бўлганида акамдан чиқариб юборарсиз.

Тозагул опа шундагина вужудининг аллақаерида пайт пойлаб турган ғуссага дош беролмай, товуш чиқармай пиқ-пиқлаб йиғлади. Боши билан розилик аломатини билдириб, ҳовли томон одимлади.

Отакул ака бир муддат маъюс тортиб, сўнг ёрилди:

— Келинойингизга кўп бор айтганман. Қисматга битилгани бўлади, деб. Оналарнинг, оталарнинг ўтмишдаги тақдир ёзиғлиги бадкирдорлик бўлса, унда фарзандларнинг айби йўқ. Ўз қисматига лаънатлар айтиб, сенга бош эгиб турган онангни андак суя, меҳрингни дариг тутма, дейман. Бир тутамгина умрни шодумон ўтган бир кунингга ҳада эт, деб тайинлаган пайтларим ҳам бўлган. Тозагул — бутунлай бошқа дунё. Маслаҳатимга кирди. Онаси билан тўй-маъракаларда борди-келди қиялпти. Аммо манави шикоят, Тозагулни-ку қўяверинг, мениям ўйга толдирди. Онаси анча кўникиб қолувди. Арз-ҳол қилишига ҳалиям ишонмаяпман. Бунда бошқа бир ғаламиснинг қўли бор кўринади...

Биламан, Отакул аканинг касби муаллим. Суҳбат асносида моҳир терговчиларга хос зийраклик билан менга яна бир тилсимотнинг калитини тутқазди. Жумбоқ устига жумбоқ. Чойдан сўнг мезбон билан хайрлашиб, ишга отландим...

\* \* \*

Нақ етти соатли иш вақтим далада, кузги шудгор билан андармон тракторчилар ёнида ўтди. Муҳарриримиз райком томонидан “Ойдин” колхозига вакил. У кишининг илтимосидан ўтолмай, баъзи-баъзида камина ҳам бундай мартабали

ваколатдан бенасиб эмас. Далачиларнинг ош-нонига шерик бўлишни назардан соқит қилганда бир дунё факт тўплаб келиш мумкин. Бир-икки ҳафта ичида уни бирон мақолага айлантурса ҳам бўлади.

Чўнтак дафтарни “семиртириб”, кечга томон таҳририятга келсам, хушсурат бир йигитча мени йўқлаб, хат ташлаб кетганлигини айтишди.

Нақ тўрт вараққа жам бўлган мактубда битилган арзиҳолга — онаси ташлаб кетган қизнинг кечмишлари сари шўнғиб кетдим.

“... Онамдан тирик етим бўлиб қолганимда уч ойлик суяги қотмаган мурғак эканман, — деб хатини бошлабди Тозагул опа. — Мени ўз тарбиясига олган холамнинг айтишича, ўшанда отам жуда оғир аҳволда қолган экан. Эр кишининг номуси букилгани — ўлгани эмасми? Онамнинг ўзга бир киши билан бир кечада ғойиб бўлганидан сўнг отам анча муддат бетобланиб, савдойи бўлиб қолибди. Мен шу йўсинда ўса бошлабман. Ташландиққа тош тегмас, деб шуни айтсалар керак-да.

Илк бор онанинг нималигини билганимда мен беозор қариндошларим қўлида ўсаётганимни, онам ўзининг хузур-ҳаловати йўлида ҳою-ҳавас кўчасига кирганлигини англадим. Бу орада бемехр онам эл-юртнинг дашномидан безор бўлибми, ё зурриёдини қўмсабми, мени олиб кетишга уринибди-ю, лекин тоғам, қолаверса холаларим уни остонадан ҳатлатишмабди. Тўғри-да, ҳали она сутига тўймаган гўдакни ташлаб кетган, унинг тетапоя бўлиб юришидан лаззатланмаган она қандай қилиб она бўлади!

Кейинчалик тенгқур болалар даврасида беаёв хўрликларга дуч келдим. Ўша кезларда таъна-дашномларсиз ҳаёт кечириш илинжида онам қанчалик айбдор бўлмасин, ўзимни унинг бағрига отгим келар, хаёлан у келадиган йўлларга гулдан поёндоз солардим. Бироқ онам мендан ўзини тобора узоқроқ олиб қочарди.

Илк бор мактаб остонасига қадам қўйганимдагина мен учун ҳаёт фақат ғам-андуҳлардан иборат эмаслигини, қалби меҳр-муҳаббатга тўла азиз ўқитувчиларим, мураббийларим борлигини ҳис этдим.

Йиллар ўтиб ёшим улғайгач, оқ-қорани фарқлайдиган бўлдим. Ўтмишимни тилга олувчилардан негадир ўзимни олиб қочардим. Бироқ ўзингдан қочиб кетолмас экансан. Бир вақтлар ҳали дийдорини кўриш насиб этмаган ўз онамга нисбатан пайдо

бўлган ғойибона меҳр-муҳаббатим бора-бора қаҳр ва нафратга айланди. Ота-онасининг иссиқ бағрида ўсган дугоналаримга ҳавасим келарди. Бу ҳавас ҳам бора-бора менга аянчли ўтмишимни эслатадиган, мени ташлаб кетган меҳрсиз онамнинг маломатли ҳаётини кўз олдимда жонлантирадиган бўлди.

Инсон ҳамма нарсага кўникар экан. Мана, ҳозир оилаликман. Турмушимиз тотув. Ўзим эл севган касб эгасиман. Ҳаётимдан нолимайман. Бир-биридан ширин фарзандларим бор. Уларни мен оналик меҳри билан тарбияляяпман.

Ҳа, тақдир мени ўз туққан онам билан дийдор кўриштиради. Мен бу учрашувни фарзандга хос жами фазилатлар билан самимий адо этишга ҳаракат қилдим. Аммо қалбим бўм-бўш экан, негадир кўнглим илимади. Вужудимда энтикиш, талпиниш сингари ҳис-туйғулар бўлмагач, мен бу ишни сунъий бажаролмадим. Эҳтимол, гўдаклик чоғимда энтикиб талпингувчим, ҳар бир хатти-ҳаракатларимдан завқланиб, қалбимга завқ-шавқ солгувчи топилмаганидан шундай бўлгандир. Буни мен таъна йўсинда айтмаяпман. Умрининг бўлагини сен учун бахшида этиб, меҳридан баҳраманд қилмаган кимсага меҳр қўя олмас экансан, ахир.

Балоғат ёшига етиб, ўзга хонадон остонасига қадам босганимда, кўнглим нуроний, беозор она кўнглидан сув ичгандек бўлди. Қайнонамни бажонидил онажоним, деб атадим. Унга меҳр кўйдим. Ўз фарзандидек кафтимга кўтардим.

Рост, ўз онам билан гоҳида кўча-кўйда учрашиб қоламан. Яхши кунларимда хонадонимга ташриф буюради. Мен онамни энг азиз меҳмоним сифатида кутиб оламан. Зинҳор ўтмишни эслатмайман. Ҳар ҳолда онам кексайганида ёмон ҳаёт кечирмаётир. Ёши улғайгач, унга менинг фарзандлик меҳрим, мурувватим керак бўлиб қолди. Ахир ўксик жонимдаги бир ҳовуч меҳрни жондан азиз фарзандларимдан орттириб қандай қилиб онамга берай... Улар сингари мен ҳам келажакда фарзандларим олдида беқадр она бўлиб қолишни истамайман...”

Тозагул опа қўлга қалам олганида неча бор йиғлаб, неча бор овунганикин. Мактуб юзидаги сарғимтил кўз ёшлари жумлаларни ювиб юборганди.

“... Беқадр она бўлиб қолишни истамайман...” Хатни қайта-қайта ўқидим. Тозагул опанинг мулойим, чиройли чехраси, ҳаё-ибо билан юришлари кўз олдимда жонланди. Тозагул опа ҳаётда қийналган, бутун вужудини соғинч, қўмсаш, сўнг бора-бора

хўрликлар эгаллаб улгурган аёлга сира ўхшамасди. Демак, бардоши метиндек мустаҳкам экан, руҳи синмаган экан. Ҳаётдан умидини узмаган, ўзини маҳкам қўлга олган, қалбини идора қила олган аёл экан-да.

Хатдаги ҳар бир сўз менга руҳи бақувват, ўктам аёлнинг сўзлари бўлиб хотирамда ўрнашиб қолди. Тозагул келинойимни ўз опамдек суйиб кучгим келди...

\* \* \*

Қишлоқдаги ҳаёт мусаввирлар чизган манзаралардан анча текисроқ дейишга етарли асосларим бор. Баъзи бировлар мулоҳазаларимга қўшилмасдан, бурун жийирсалар эҳтимол. Бу уларнинг хоҳиши. Ҳеч кимга фикримни зўрлаб тиқиштирмоқчи эмасман. Қишлоқда яшайсанми, унинг сержилва ҳаётига кўникишинг шарт. Модомики қишлоқда яшар экан, шифокор ҳам, муаллим ҳам, мухбир ҳам ана шу сержилва ҳаётдан бенаиб эмас. Озроқ елка тутиб юборинглар дейилса бас, омборхона йўлагига осиб қўйилган эски этиклар оёққа илинади. Бувиларнинг муборак қўллари билан безатилган қирқямоқ кийим-бошлар кийилади. Боши-охирини кўз илғамайдиган далалар томон оммавий юриш бошланади.

Муҳарриримиз эски “Виллис”имизга худди картошка ортгандай ҳаммамизни жойлаб эрталаб дала бошига етказди. Азборойи эгатнинг узунлигидан этагига бориб қайтгунимизча кун ботиб қолади. Бир гал дала ўртасига етганимизда жала чунонам саваладики, қани энди жой топилса. Этиклар бир ботмонга айланди. Сарик тупроқ лой бамисоли елим, ердан узиб бўлмайди. Амал-тақал билан эгат бошига етиб келгунимизча бўларимиз бўлди. Эртаси куни бурун тортиб борганимни кўрган муҳаррир:

— Сен навбатдаги сонга материал ҳозирлайсан, — деб идорада қолдирди. — Қаёқданам шу тумов кела қолди? — деб ўзимни ўзим койидим. Далада ҳамкасблар билан ҳазил-мутойиба қилиб, кун ўтганини билмасдик. Ишхонада яккамоҳовдек бир ўзим, қани энди вақт ўтса. Икки ҳафталик сурункали ҳашарда бўлганимиздан фойдаланиб, ишхонадаги дераза пештоқига илинган соат ҳам “мириқиб” дам оляпти.

Хайрият, кун тушдан оққанда эшик очилиб, одам шарпаси сезилди. Оҳ-уҳ, деб зинадан кўтарилаётган аёл киши эканлигини билдим, бир муддат дала ишлари баҳона унутилаётган воқеалар

кўз олдимда жонланди. “Наҳотки отинойи бўлса?!” — Янглишмабман. Отинойидан олдинроқ хонамга хориж атрининг уфори иси кириб келди.

Сўнг... одатдагидек ўриндиққа жойлашиб олгач, ўртамизда совуққина салом-алик ва ҳол-аҳвол сўраш манзиратлари бўлди.

— Кўп марта келдим, эшикларинг ёпиқ экан, — ёрилди синиқ товушда отинойи.

— Яганадамиз, — дедим гапни қисқа қилиб, сўнг бир нуқтага тиклиб хомуш ўтирган отинойига зимдан тикилдим. Ундаги илгариги важоҳатдан асар ҳам қолмаганди. У шу топда ўзини ўксиб йиғлашга чоғланаётгандек тутарди. Ниҳоят синиқ товушда тилга кирди:

— Ўғлим, мени кечиринг, тўғрисини айтсам, гурур ўлгур йўл қўймади. Уни ҳар ким ҳар хил тушунади. Ўлар аҳволда эмасман. Ҳар нечук иссиқ дийдорини дариф тутмаса девдим. Шикоят хатимни қайтариб берсангиз...

Бу сўнгги сўзлар қулоқларим остида гўё ўз қилмишига икром бемехр онанинг беадоқ пушаймони бўлиб жаранглади. Гарчи она билан фарзанд ўртасидаги узоқ ўтмиш билан боғлиқ анча-мунча тафсилотлардан огоҳ бўлсам-да, қаршимдаги ўз аҳдидан қайтган онага таъна тошларини отишдан ўзимни тийдим. Ёши ўлғайганда фарзандини “қўмсаб” қолган она юрагида яна қандай гумону шубҳалар чарх ураётганига қизиқдим.

— Кечиринг, отинойи. Нега фикрингиздан қайтганингизни билсам бўладими? Саволим ўринсиз бўлса, айбга буюрмайсиз.

...Отинойи оғиз очмади. Бир дамдан сўнг охори тўкилмаган рўмолча билан юзини ёпганча унсиз йиғлади. Кўз ёшлари дув-дув оқди. У ўзининг хосиятсиз ўтмишини лаънатлаётганини аён идрок этиб турардим.

Ниҳоят пишиб етилган яра ёрилди.

— Ўзим айбдорман. Бемехр онаман. Бемехргина эмас, оналикка иснод келтирган онаман. Қизимда гуноҳ йўқ. Тағинам юзимга тупурмайди...

Шу алфозда йўлдан адашган она ўзининг сўнгсиз пушаймонини баралла товуш қўйиб айтар, мен эса ҳеч қандай сасни эшитмасдим. Хаёлимда фақат Тозагул опанинг “Умрининг бир бўлагини менга бахшида этиб, меҳридан баҳраманд қилмаган онага меҳр қўя олмайман” деган жумлалари гўёки одил фарзанд ҳукми бўлиб, акс-садо бериб турарди.



Отинойи стол устидаги хуснихат шикоятини олишга ҳоли бўлмай, хайр-маъзурсиз хонани тарк этди...

\* \* \*

Орадан кўп ўтмай Тозагул опанинг мактуби газетамизнинг “Одоб ва ахлоқ” рукнида чоп этилди. Гап эгасини топади, қабалида номлар албатта алмаштириб қўйилди. Мақола жамоатчилик назарига тушди. Ҳар ёқдан фикр-мулоҳаза билдирилган хатлар кела бошлади. Газета уларнинг ичидан мазмунан пишиқ, фойдали мулоҳазаларни навбати билан ёритиб борди. Бу орада отинойини мазкур мақолаю унга жавобан чиққан “отклик”лардан беҳабар деб бўлмасди.

Тахририятга узункулоқ гаплар кела бошлади. “Отинойи деб номи чиққан бир онахон мақолани ўқигач, таъсирланиб кетиб, ўз жонига қасд қилмоққа аҳд қилибди”. Яна биров: “Каналда сув кўпайишини кутяпти экан, кейин ўзини сувга ташларкан”. Яна биров эса хўжалик моллари дўконида чилвир сотиб олаётганини ногаҳонда кўриб қолибди — бугун, ё эртага ўзини осармиш...

Булар тахририятдаги ходимлар учун оддий кулоқ қиздирад ҳангомадан бўлак нарса эмасди. Мен эса ишхонага юрагимни ҳовучлаб бораман. Ҳамкасблар яна қандай башорат қилишар экан, деб уларга мўлтайиб тикиламан. Икки-уч ҳафтада озиб-тўзиб кетдим. Гарчи мақолада ҳар бир сўз инсоф тарозисидан ўтказиб айтилган, бирор кимсанинг жонига қасд қилишига арзигулик сўз йўқлигига фаҳмим етиб турса-да, хаёл қочаверади. Шундай қийноқлар сиртмоғидан чиқолмай турганимда кутилмаганда собиқ ҳамкасбимиз Тўлқин ака келиб қолди-ю, мени тушкунлик ботқоғидан тортиб олди:

— Озроқ хабарим бор, — деб Тўлқин ака доимий одатига кўра босиқлик билан менга юзланди. — Мақола беҳато нишонга тегибди. Ана шунақа чиқишларни иложи бўлса кўпайтириш керак. Олди-қочди, тутуруқсиз чиқишлардан воз кечишнинг аллақчон фурсати етган.

— У ёғи бир гап бўлар, — дедим баттар диққатим ошиб. — Бир кампир ўзини осмоқчи бўлиб юрганмиш, шундан гапиринг.

— Ука, сизга бор ҳақиқатни айтайми? — кўзларимга тикилганча сўз қотди собиқ ҳамкасбим. — Ҳеч бир ақли расо одам ўз жонига қасд қилмоқчи экан, буни овоза қилиб

ўтирмайди. Ё шартга осадди, ёки сувга ташлайди қўяди. Бу бор-йўғи пўписи. Шундай овоза қилсам, қизим менга янаям ўнг қарайди, деб хомхаёл қилаётгани аниқ-ку!

— Сиз у аёлни танийсизми? — томдан тараша тушгандай сўровимдан Тўлқин ака бироз жиддийлашди. Сўнг томоқ қирганча тилга кирди:

— Отинойини танимаган борми? Ҳа энди, сиз янгисиз-да. Хуллас, у жодугар кампирдан нарироқ юрганингиз тузук. Сиз уни билмайсиз. Сиз ҳаёт деган дарахтнинг шохидасиз. У эса баргида. Сизнинг ҳар бир босган қадамингиздан хато излайди. Ташқи хусн-латофат ҳеч бир инсонга боқий бахт берган эмас. Аёл кишининг қалби чиройли бўлсин. Бошқаси бекор.

У қўзғалаётиб:

— Хўп, ука энди мен борай, — деди. Хавотирга ҳеч асос йўқ. Катта еб, катта ичиб юраверинг. Отинойига ўхшаганлар ҳали сиздайларнинг ўнтасини қаритади. У ҳаливери ўлмайди ҳам. Бўйи баробар тақинчоқлари бор, деб эшитганман. Бундай бойликни ташлаб ўладиган анойилардан эмас у.

Шу суҳбат баҳона бироз ҳовурумдан тушдим. Миш-мишлар ҳаёлимдан кўтарилди. Орадан ярим йиллар ўтгач, маъракада отинойига кўзим тушиб қолди. У ҳаётини покдомон ўтказган ва шу аҳдига умрбод вафодор бўлиб қолган онахон тимсолида ёшларни йўлга солар, уларга охори тўкилмаган панду насиҳатлар айтиб, дуогўйлик қиларди.

Тўлқин аканинг донишмандлигига яна бир бор иқроп бўлдим.

\* \* \*

Ёз. Саратон жазирамаси авжида. Идорадаги чоғроқ хонага эрталабданоқ қуёш мўралайди. Тушгача ўтириб ишлаш душвор. Хонамда қуёш тандирида пишиб, мақола ёзиб ўтиргандим. Кўққисдан телефон жиринглаб қолди. Кўтарсам акамнинг хотини Муаззам келинойим экан. Куйинчаклик билан ҳол-аҳвол сўрадилар. Сўнг вақтимни сўраб, илтимос қилдилар:

— Қайнижон, бир гал ҳожатимни чиқариб юборсангиз. Укаларингиз помидор узишаётган эди. Кечки пайт ўзингиз пакетларга жойлаб берсангиз, девдим.

Сукут сақлаган кўйи, рози бўлишдан бўлак чорам қолмади.

— Майли, келинойи, узиб қўяверишсин. Босиб бераман, дедим.

Келинойим кечкиликда тўйи борлигини айтиб, узундан-узоқ миннатдорлик билдирганча гўшакни қўйди.

Ойимни ҳануз акамникидан дала ҳовлимга олиб кетолмаёганимдан хижолатда эдим. Қарашвориш баҳонасида ойим билан бафуржа диллашиш истаги кўнглимга таскин берди.

Оқшомда ойим яна бир “хушхабар” билан қаршилади:

— Келдингми, болам. Ҳа, айтгандай, болаларингни бир кеча онасининг олдида ётиб келишсин, деб қайноғанг машинасида олиб кетди. Сени ишхонангдан тополмабди. Бирров кириб мендан рухсат олди. Келиним жужуқларни соғинган-да. Бир қадам олислиги бор. Сен менинг олдимда ётиб қўя қоласан-да. Тунда дала ҳовлига етиб олишнинг ўзи бўладими. Бир кеча минг кеча бўлмас...

— Эҳ, ойижон-а, дедим ичимдан зил кетиб. Озроқ жамғармани эски полос тагига ташлаб қўйганман. Болалар бундан беҳабар. Ҳайҳотдек ҳовлида лоақал итимиз ҳам бўлмаса... Бирортаси дўст бўлиб йўқлаб, душманнинг ишини қилиб кетмаса, деб қўрқаман. Бундан ташқари ола говмишнинг ой куни яқин. Бугун эрта туғиб қолса ажабмас.

— Ҳа, майли, деди ойим бўшашаб, сўнг аламини хотинимдан олди: — Шу Сурайёхоннинг тузалиши ҳам аччиқ ичакдек чўзилиб кетмадими-а?! Шаҳарда дўхтирхона қуриб кетибдими?! Шуларнинг бирига ётқизсанг бўлмасмиди? Акаси дўхтир бўлса, келиб хабар олсаям асакаси кетмасди. Оилали одам хонадонига касал ётқизиб даволашям қизиқ-да. Шунчалик меҳрибон экан, сингисини тезроқ тузатиб, оёққа тургазиб юбормайдими...

Ойимнинг дашномларини жимгина эшитаман. Қўлим ишда. Пакетлар навбат билан тўлиб боряпти. Хирмон қилиб уйилган помидорнинг охири кўринмайди. Она-бола тоза дардлашиб тунни оғдирдик. Пакетларни боғлаб бўлгач, кетиш тараддудига тушдим.

Онам ачиниб, яна тил ёрди:

— Қўй, болам, кетма, ой қоронғусида қоқилиб-суқилиб юрасанми? Уйингни ҳам, молингни ҳам Худо асрасин. Мен бу ерда хавотирланаман.

— Ойижон, энди ёш бола эмасман-ку! Велосипедда чорак соатда етаман. Пишиб турган говмишни ёлғиз қолдирсам бўлмас.

— Болам, унда акангни кичик ўғлини уйғота қолай. Икковлашиб мингашиб, гангур-гунгур гаплашиб кетасизлар.

— Ҳожати йўқ. Дилмурод кун бўйи помидор узиб чарчаган. Ҳозир қулоғининг тагида карнай чалиб ҳам уйғотолмаймиз. Кўйинг, безовта қилмайлик.

— Қайсарлигинг қолмади-да, болам, ҳа майли, омин. Худойим йўлингни ёруғ қилсин. Эсон-омон етиб олгин. Эрталаб бирров олдимга бош суқиб кетгин, — дея ойим дуо қилиб қузатдилар.

\* \* \*

Соат тунги иккилар чамаси. Қоронғида ён-атрофдаги бирор шарпани англаб бўлмайди. Гўрдек зимистон. Қабристонгача бўлган йўлда бир-иккита чироқ милтиллаб турди. Бу ёғи катта канал кўпригигача ёруғликдан ном-нишон йўқ. Велосипеднинг гичирлашигина эшитилади. Атроф шу қадар сукунат оғушидаки, борлиқдаги жамики жонзот гафлат уйқусида гўё. Дайди итларнинг ҳуриши ҳам тиниб қолган. Йўлни тусмоллаб кетяпман. Гоҳ ўнг томонга, гоҳ сўл томонга ўтганимни сезмай қоламан. Нима бўлса ҳам дала ҳовлига яқинлашяпман-ку! Шу илинжда зўр бериб, педални босаман. Каналга яқинлашганимда хафсалам пир бўлди. Нариги қирғоқда насос кечаю кундузи ишлаб, анҳорга сув чиқариб турарди. Қоровул учун мўлжалланган кичик ҳужра йўлагигадаги чироқ йўлнинг бир бўлагини ёритарди.

Ҳужрача ёнидаги чоғроқ супачада қоровул бошини кўрпага буркаганча ётарди. Аксига олиб чироқ ёқиб қўйилмаганди. Йўл баландда қолиб, кўприк анча паст қурилганидан зимистонда велосипедда пастга тушиб кўтарилиш анча машаққат бўлди. Бундай аҳволда каналга шўнғиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас. Велосипедни етаклаб кўприкдан чиқиб олгунимча бутун баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Ёлғизлик, ютиб юборгудек қоронғулик, боз устига сукунат одам боласининг шуурини ўтмаслаштиради, деган сўзнинг қанчалик ҳақиқат эканлигини шу топда вужуд-вужудим билан ҳис этиб борардим. Бу ёғи оз қолди. Қирқига чидаган бирига ҳам чидайман. “От”имни қамчиларим. Далаҳовлигача анҳор ёқалаб иккинчи кўприкдан ўтсам бас, уёғи яқин қолади. Таниш кўппакларнинг жўровоз бўлиб ҳуриши остида ҳовлига етиб оламан.

Негадир педални қанчалик кучаниб босмай, у чопмайди. Гўёки биров ортга тортиб тургандай. Назаримда қоронғулик янада қуюқлашгандек, эди.

Ногаҳонда аллақандай тукли нарсага суйканиб ўтдим. У нималигини англаб-англамай, велосипеднинг орқа филдирагига қаттиқ зарб келиб урилди. Ағанаб тушишимга бир баҳя қолди. Сукунатни бузиб, эшак ҳанграб юборди. Сўнг қозикли арқонини шалдиратиб, йўл чеккасига чопиб кетди. Бутун вужудим қулоққа айланган алпозда яланғоч, турсикчан бир эркак хўш-хўш, ҳаром ўлгур деганча, эшак кетган томон юрди. Ҳар нечук олам овозини эшитгач, ўзимга келдим. Бу зимистон тунда уйғоқ ва бедор бир ўзим эмаслигим, қўрқув эгаллаган юрагимга далда бўлди.

Бу менинг — ёруғ, дориломон кунлар орзусида яшаётган, қишлоқнинг таваккалчи, чапани йигити ҳаётидаги бир синов эди, холос. Бу синов чикора экан, алвасти қиёфасидаги ожизага рўпара келишни ҳеч бирингизга раво кўрмас эдим. Лекин бу менинг қисматимда ёзиглик экан. Йўлнинг қолган бўлагида мени нималар кутаётганини қаёқдан ҳам билай ...

Кўприкка яқинлашаётганимда унинг чеккасидаги тешик жойи ёдимга тушиб қолди. У нега шундай, деб ўйлашнинг ҳозир мавриди эмасди. Кексалардан эшитганим ёдимда жонланиб борарди. Бир вақтлар кўприк ёнида бўлган фиштин мақбара вақт ўтиши билан нураб бузилиб кетганди. Мақбара ичига шу ерлик бир авлиёнинг жасади қўйилган экан. У зотнинг руҳини безовта қилмаслик учун тунда фаришталар қўриқлашар эмиш. Баъзида орқа-олдига ёйилган сочларини сувда юва-юва кўприк тешигидан алвастилар чиқиб олиб, ўтган-кетганни тоза абгор қилармиш.

Кимдир келиб қолсайди, деган илинжда ортимга, бояги товуш келган томонга қарадим. Зулмат тобора бостириб келаётгандек эди гўё. Кўприкка чамаси 10 қадамлар қолганида бисотимдаги бало-қазолардан асровчи дуоларни ўқий бошладим.

Тешик устида турган узун бўйли, сочлари ёйилиб кетган оппоқ ички либосда одам шаклидаги шарпага рўпара келдим.

— Сизни қачондан буён кутиб турибман-а, — бироз ранж, бироз ноз билан эшитилган аёлнинг майин овози кўприк остидан чиқдим, ёки тешикдан оппоқ буғ ҳолатида пайдо бўлган шарпа айтдим, билолмадим. Қандай ҳолатда шарпа ёнига бориб қолдим, буёғини эслолмайман. Бошимдаги қалин сочим жайраннинг найзасидек тикка бўлган, дўппимни назаримда бир қарич юқорига кўтариб юборгандек эди. Велосипеддан тушдимми, ёки ҳали ҳам эгардаманми, ҳар қалай тўхтаб турганим аён эди. Шарпа билан орамиз ярим одим. Сонияда ич-

ичимдан пуртана бўлиб чиққан исёнкор туйғу таҳликали саросимани енгиб, уни тутиб олишга ундади. Бор кучим билан қўлимни шарпанинг ёйиқ сочларига узатдим. Шарпа қилт этиб жойидан жилмади. Лекин сочларидан ушлатгиси келмасди. Қўлимни қанча узатмай у камондай эгилиб, орқага қайтаверди. Шунда бехос ваҳимали қоронғуликдаги сукунатни илтижоли сас тутди:

— Кечирасиз, амаки, мен сизни бировга ўхшатибман.

У дарҳол жойидан кўзғалиб катта кўча томон юрди. Шундагина билдим. У яланғоч эди. Велосипедни чеккага улоқтириб юбордим. Ҳамон кўтарилиб турган дўппимни қўлга олганча зарб билан қоқдим. Мендан уч-тўрт одим нарида турган шарпа бир чўчиб тушди.

— Тўхта, — дедим зарда билан шарпага. — Ярим тунда кўприк устида сенга пишириб қўйибдими? Қани ҳозир қайси ковакдан чиққан бўлсанг, кир-чи. Акс ҳолда.

— Амаки, узримни айтдим-ку, энди йўлингизда кетавермайсизми? — боягидан ҳам ялинчоқ, синиқ товушда ёлворди шарпа. У мен келган томонга кўз тикканча турар, хуфиёна чиққан уйига чопганча кириб кетишни хаёлига ҳам келтирмас, изтиробли кутишлар ортида турган висол дамлари лаззатидан ҳалиям умидвор эди.

Велосипедимни минганча, ортимга қарамай йўлимда давом этдим. Ҳар доимгидек, тор кўчанинг муюлишидаги Салим аканинг эшакдек келадиган қора ити ортимдан ҳуриганча кува кетди. Ҳа, бузоқнинг югургани сомонхонагача. Ҳар галгидек ўн-ўн беш одим ортимдан ҳаллослаганча чопади, сўнг қайтиб кетади. Бу сафар итнинг феъли айниган чоғи, ортга қайтгиси йўқ. Почамдан олишига бир баҳя қоляпти. Иккинчи мўйилишдан ўтгач, текисроқ узун йўлга чиқиб олдим. Бор кучимни ишга солиб, тезликни оширдим. Умримда бундай қайсар, шаллақи итни кўрмаган эдим. Текис, узун йўлни ҳам қув-қоч билан босиб ўтдим. Яна битга бурилишдан сўнг икки юз қадам нарида ҳовлим жойлашган. Ўша ерга етиб олсам, тамом, у ёғи энди подшолигим бошланади. Шу бор-йўғи ит экан-ку, ит қиёфасидаги шайтон бўлса ҳам тик рўпара бўлиб акиллаган жағини иккига бўлиб ташлайман. Ҳовлига элитувчи икки томони тутзор йўлакка бурила солиб, кутилмаган тезликда велосипеддан тушдим. Шиддат билан қўлимга тош олдим. Уч-тўрт одим нарида келаётган итга қараб важоҳат билан отдим. Табиийки, қоронғида мўлжални тўғри

ололмадим. Тошнинг тарақ-туруғидан ит нари кетди. Муюлишга етмай, ўтириб олганча ҳурий бошлади. Мен ит томон илдамлаб, яна тош ирғитдим. Шундан сўнггина товуш тинди. Ортимга қайтаётсам, тутзор оралаб кесиб бир оқ шарпа менга томон чопиб келяпти. Ичимдан бир нима чирт узилгандек бўлди. Ҳа, ўша кўприк устидаги шарпа. Ўшанинг ўзгинаси. Демак, у инсон зотидан эмас, чиндан аёл қиёфасидаги алвасти экан-да! Ўшадир эҳтимол ортимдан ит кўринишида чопган ҳам. Майли, келавер, дедим ўзимга-ўзим сўзлаб. Сенинг асл башарангни кўрмагунимча кўйиб юбормайман. Қўлларим узилиб тушгунга қадар дўппослайман. Юриб бораётиб нимагадир қоқилдим. Велосипедим экан. мункиб қўлларим ерга текканида аллақандай ёғочнинг бир учи елкамга урилди. Кўзимдан ўт сачраб кетди. Уни тутганча даст ўрнимдан турдим. Олишишга шайланиб шарпага пешвоз чиқдим. Яқин қолганда эркак кишининг таниш овозидан ўзимга келдим.

— Нима гап, ака, ит қувладими? Шу бемаҳалда қаёқдан келяпсиз? — оқ ятак, оқ иштон кийган кўшним Мамарасул сўрашиш учун қўл узатди.

Хушҳол аҳволда саволига савол билан жавоб қилдим.

— Ўзинг ярим тунда нима қилиб юрибсан? Менга қараб чопганинг нимаси?

— Айвонга чиқа солиб ётиб қоласизми, деб шошдим. Помидорга сув ҳайдаётгандим. Сигарет қолмабди. Сиздан бирикки дона олай деб...

— Говмишимиз туғмадими? — сўрадим бир оз ўзимга келиб.

— Йўқ ҳали, вақти-соати бўлмагандир-да. Катта ўғлингиз Исломжон тайинлаб кетганди. Ўтган-қайтганда хабар олиб турибман.

Мамарасул ерда ётган велосипедни етаклаб мени уйгача кузатди. Сигаретни хумордан чиққунча тортиб, елкасига кетмонни ташлаганча яна қулоқ бошига кетди. Говмишдан хабар олиб, айвон тўридаги сим каравотга ечинмаёқ чўзилдим. Кун бўйи ёзув иши, сўнг помидор жойлаш, пакет боғлаш ва ниҳоят тундаги таҳликали беҳаловатликдан тоза ҳориганим боис юмшоқ тўшакка сингиб борардим. Кўзимни очишга ҳолим йўғ-у, хаёлимда айвон бурчагидан бояги шарпа бош суққанча “ётибсизми?” деб сўрақлаётган бўлаверади. Ниҳоят уйқу ҳокимлик қилди. Худди маст одамдек қотиб қолибман.

Уйғонганимда куёш бир терак буйи кўтарилган, ҳовлининг бир чеккасидаги самоварга Мамарасул ўт қалаётган экан. Турай дейман-у, кеча кун буйи кетмон чопгандай оёқ-қўлим зирқираб оғрийди. Оғзимни очиб билдимки, лабларим ўзимники эмас. Лабим чеккаларига бодроқдек учуқ тошиб кетибди. Сир бой бермай секин кўзгалдим. Оёқларим остидаги юмшаб қолган қадокларим қайтадан бўртиб кетгандек эди. Худди тикан устидан юраётгандек оғрирди. Тишимни-тишимга босиб офтобанинг олдига бориб олдим. Юз-қўлларимни муздек сувга ювиб, артиндим.

— Салом бердик, ака, — деди ҳазил-мутойибага ўч кўшним Мамарасул столга дастурхон ёзаётди. — Кеча бирор гап бўлмадим, алламаҳалда келдингиз, ётиб ҳам ухламадингиз чоғи, тушингизда дам алвасти дейсиз, дам шарпа, деб бақирасиз. Сўнг Салим ака, итингизни ушланг, талаяпти, дейсизми-ей. Хуллас, тоза алаҳсирадингиз.

— Билмадим, — дедим кечасидаги воқеани ошкор қилгим келмай. Озроқ чарчадим шекилли, тун оққунча акамникида пакетга помидор жойлагандим.

— Э, ҳа, — юзимга тикилганча бошини сарак-сарак қилди. — Нима бало, ака, тешик кўприкда алвастига рўпара келдингизми, дейман. Лабингиз атрофига қизил гул тақиб қўйибди-ку.

— Анча кундан буён иссиғим чиқиб юрувди. Шунинг аломати бўлса керак, — дея чалғитдим уни.

— Майли, шундай бўла қолсин. Ҳозир тузукмисиз? — яна хавотирланиб сўради кўшним.

— Тузукман, дедим пиёладаги иссиқ чойни хўплаб. Мамарасул юзига фотиҳа тортиб кетишга изн сўради, нарироқда турган кетмонни елкасига илиб сувдан хабар олгани кетди..

Шу кўйи бир ҳафта уйда ётиб қолдим. Иш ҳам аро йўлда қолди. Болаларим тушга яқин чувалашиб келиб қолишганини элас-элас эслайман. Катта ўғлим кўрқиб кетиб, бувисини олиб келган шекилли, ойим нам докани тандирдай қизиб ётган бошимга дам-бадам босади. Гоҳ-гоҳ йиғлагудек бўлиб қойийди:

— Сенга айтдим-а, укангни кўшиб юборай деб, — мана, ярим тунда ёлғиз юришнинг оқибати. Қайсарлигинг бир кунни мени адоий тамом қилмасайди, болам...



Учуқлар қайтиб, ўзимни яхши ҳис қила бошлаган тўртинчи куни эрталабдан девона шоиримиз Тўхта Султон бир дунё хабарни ортмоқлаб кўргани келиб қолди.

— Ишхонада қидир-қидир бўлиб кетди-ку, тоза қадрингиз билинди. Хайрият, тузалиб қопсиз. Ҳа, айтгандай, мени шахсан муҳарриримиз жамоа номидан вакил қилиб юборди, — шундай деб, у қувлик билан яна сўз қотди. — Фалла майдонларини зудликда шудгорлаб, иккинчи экин экиш ишлари сизга қараб турибди экан. Бу ёқда раислар тажанг, у ёқда тракторчилар дала бошига чиқиб олишган. Қани уларга даъват?! Мурожаатимиздан сўнг иш бошлашар экан. Каттамиз тайинладилар, ётган жойида кўзгалмай, айта қолсин, сен қоғозга тушириб кел, — дедилар деб кесатди. Сўнг папкасини очиб, ичидан бир тўплам қоғоз олди-да, ёзишга чоғланди:

— Бошладикми, Мурожатбой ака.

— Ишхонада мендан бўлак одам қуриб кетибдими? Ҳозир, шу аҳволда-я, ҳеч бир маълумотсиз ... — дедим энсам қотиб.

— Буёғидан хотиржам бўлсинлар, — деди шоир сўнг чўнтагидан худди шеърга ўхшатиб ёзиб олган фактларни олдимига қўйди. — хунобгарчиликка ҳожат йўқ, қуролланиб келганман...

Чорак соатда уч қоғозлик момақалдиरोқдек сўзлар жамланиб мурожаат тайёр бўлди. Тўхта Султон уни папкасига жойлаётиб, ишшайганича яна кесатди:

— Старт чизигида турган шудгорчиларга буни тезроқ газета орқали етказайлик ака, тоза савобга қолдингиз-да!

— Етар, — дедим нафсониятим кўзгаб, — мурожаатхўрларга айтиб қўй... Шу билан душанбада ишга чиқаман.

— Омон бўлсак, ишхонада кўришамиз ака, — деганча шоир кўзгалди.

Душанба куни ишхонада бир-икки соат вақт ҳол-аҳвол сўраш билан ўтди. Соппа-соғ одамнинг кўққисдан тўшакка ётиб қолиши чиндан ҳам кутилмаган ҳодиса эди. Муҳарриримиз кўзойнак устидан менга бошдан-оёқ разм солиб олгач, кинояли илмоқ ташлади.

— Нима бало, тақаланган бурга тепдими дейман. Шу долзарб паллада-я. Майли, шундай бўлса ҳам мурожаат тайёрлабсизлар. Лекин бир-иккита пешқадам тракторчиларни намуна қилиб кўрсатиш керак эди. Бироз шошибсизлар-да.

– Ҳа, шошдик – минғилладим энсам қотиб. – “Ўн чоғлик ходим иккита тракторчининг номини топиб, тиркаб қўймаса, пашша қўриб ўтирдими?” таъна қилдим ичимда.

Тушдан сўнг почтальон кундалик газеталар билан бирга менинг номимга битилган хат келтирди. Ҳаваскор мухбирлардандир, деган ўйда хотиржам хатжилдни очдим. Ундаги биринчи қатор жумлалар бутун вужудимга гўёки тикандек санчилди. Ўша ваҳимали тундагидек сочларим тик бўлиб кетди.

“Мухбир амаки, ўша тундаги воқеадан сўнг касал бўлиб қолибсиз, ишхонангизга борувдим, касбдошларингиз айтишди. Сизга астойдил ачиндим. Кутаётганим, деб ўйлабман сизни. Мени кечиролсангиз, кечиринг. Овоза қиладиган иш бўлмади. Нима бўлгандаям маҳаллангизнинг келиниман. Эшитган қулоққа яхшимас. Мабодо қизишиб кетиб, бу воқеа ҳақида ёзиб-чизиб ўтирмассиз, деган умиддаман. Хом сут эмган банда адашаркан. Мен адаша-адаша учинчи турмушимда қўним топган аёлман. Фарзандсизлик мени ана шундай ёмон ҳою ҳавас йўлига солган. Бу ботқоқликдан тортиб оладиган куч борми, бу дунёда?! Турмуш ўртоғимни танисангиз керак, топиб олган жойи қиморхона-ю, чойхона. Олдинги хотинидан орттирган болалари билан ҳам иши йўқ. Болапақирлар ўз уйларида худди бегоналардек кун кечиришади. Ўз пуштикамаридан пайдо бўлган зурриёдигаки бепарво эркак, учинчи хотинига қандай меҳр қўйсин, қандай севсин?! Мен эса меҳрга, севиш, севилишга муҳтож аёлман. Ўша тунда кимни кутаётганим сизга мутлақо дахлсиз. Уни сўраб-суриштириб ўтирманг. Ҳаётдан обдон тўйганман. Ўзимни ўзим ўлдиришим ҳеч гап эмас... Йўқлагувчи онамдан бўлак орқамдан чирқиллаб қоладиган фарзандларим йўқ. Сўққабош, бепушт хотин кимга ҳам керак? Сиздан яна бир бор ўтиниб сўрайман, воқеани бирор йўсинда зинҳор овоза қилманг, Хайр, ...”

Қўлимдаги чиройли ёзувни илгари ҳам кўргандек бўлдим. Ҳаётдан тўйган, тўйган бўлишига қарамай, ҳою-ҳавас кўчасидан чиқолмаган бу аёлнинг онаси ким бўлди экан? Эри-чи? Маҳалламизда қимор ўйнайдиган йигит бор бўлса, нега мен танимаيمان? Ажабо, тешик кўприкдан ўтгач, Салим аканинг сур қора кўппагини танирканман-у, бу аёл келин бўлиб тушган хонадонни билмас эканман?

Шу йўсиндаги сўроқлар исканжасида яна хатга тикилдим. Ҳарфлар шу қадар чиройли тизилганки, мана-мен деган тилчи муаллима ҳам бундай маҳоратга эга бўлмаса керак. Шундай

хуснихатга қачонлардир рўпара келганим ёдимга тушди. Шошиб ғаладонни ағдар-тўнтар қилиб титкилай кетдим. Ниҳоят Отинойи унутиб қолдирган бир варақ қоғозни топдим. Ажабо, икки томчи сувдек ўхшаш ёзувлар. Иккала қоғоздаги хуснихат бир одамнинг кашфиёти эканлигини инкор қилиб бўлмасди. Бирини она номидан ўз қизини бадном қилишга қаратилган хат бўлса, иккинчиси...

Бу аёл демак Отинойининг иккинчи қизи. Тозагул опанинг бир жойда яшаб, бегоналашиб кетган синглиси...

Нафсиламбрини айтганда, бу хат мени қувонтирмади. Балки шундоқ ҳам серғалва ҳаётимга таҳлика солиб қўйди. Ўша машғум тунда унга қаттиқ-қуруқ гап қилиб қўйимовдимми? деган хавотир кўнглимни кемира бошлади. Ўзи менинг айбим нима? Отинойи ўз оёғи билан келди. Шикоят ташлаб, сўнг ақдидан қайтди. Хатни ўзи олиб кетмади. Тунда йўлда абгор бўлиб кетаётган эдим, кўприк устида ўзи йўлиқди. Сизни қачондан буён кутаётган эдим, дегани-ку, мутлақо ортиқча даҳмаза бўлди. Ярим тунда кимни кутади? Учрашмоқчи экансан, кундуз кунни қуриб кетганмиди? Ўша сўхтаси совуққа бирор овлоқ жойни айтмайсанми? Тешик кўприк устида пишириб қўювдимми? Сенинг касрингга бир ҳафта кўрпа-тўшак қилиб ётиб олганимми айбим?

Нечундир юрагимнинг бир чеккасида ўша аёлга ачиниш ҳисси ҳам чумолидек ўрмалаб қолди. Тирик жон. Нима қилсин? Бир эркакнинг иссиқ оғушига зор. Уйда эрининг сурати бор-у, эрлик сиёқи йўқ. Овунай деса, боласи қани? Ўғай болалар ўғай кўз билан кун бўйи таъқиб қилишади. Уйдан ҳайдаб солишга отасидан қўрқишади... Эр дегани кун билан тунни фарқламай ўз маишати билан машғул бўлса...

Бундай эр билан яшаган хотиннинг овунчоғи ким бўлади? Ҳайвоний ҳирс тузоғидан чиқиб кетолмаган, уйда гулдай хотини бўла туриб, тунда эшик овлайдиган битта боз бўлади. Бундайларга кўчада ўйнаш қаҳатми? Дуч келган бошпанада бечораҳол бўлиб кўринган бир беванинг ҳожатини чиқариб, ҳеч нима бўлмагандай хотинининг покиза тўшагида ётаверади-да.

Хаёл қочиб, даъфатан менда шу аёлнинг эри билан учрашиш истаги пайдо бўлди. Аввалига бу учрашувнинг миямга келиб қолганидан ҳайрон бўлдим. Унга нима демоқчиман, ўзи. Болаларинг, гулдек хотининг бор экан, ўзингни йиғиштириб ол, дейманми? Танимаган-билмаган одамнинг бундай танбеҳи кимга ёғдек ёқарди. Ака, сиз кимсиз ўзи, худога шукур, бошимда ота-онам бор. Кигиз китобингиздаги панд-насиҳатларингиз

Ўзингизга сийлов. Аравангизни тортсангиз-чи, деса нима деган одам бўламан? Қиморга берилган, пул ҳидига маст бўладиган бундайларга гап қилармиди?

\* \* \*

Минг ҳадигу хавотир исканжасида бир ойлар чамаси вақт ўтди. Ўша қиморбоз билан учрашиш истаги бир сония бўлса-да, хаёлимдан кетмади. Бу муддатда истагим қатъий қарорга айланиб улгурди. “Шу йигитни оёққа турғазаман, болаларига, хотинига ўнг қарайдиган қиламан. Бу ишлар ўта самимий, беғараз бир аканинг укага меҳрибонлиги йўсинида бўлади. Тамом вассалом!”.

Чойхоначидан зиқна терговчидай сўраб-суриштирдим...

— Яшанг, мухбир ака, — кулиб жавоб қилди истараси иссиқ доим кулиб турадиган чойхоначи Тўхтабой. — Ўз маҳаллангиздаги Нуралини танимайсизми? Уни ёш бола ҳам биладику. Сабр қилсангиз келиб қолади. Бизга ош тайинлаб кетган.

Бир пиёла чой устида чойхоначининг суҳбатига қулоқ тутдим:

— Ўзи мард, бир сўзли йигит. Шу биринчи хотини ўлгандан кейин тирикчилик баҳонасида ўзини ҳар ёққа уриб кўрди. Ҳеч иши юришиб кетмади. Бинойдек маълумоти бор, дейишади. Қайсидир институтни битирган экан. Уни йўлга солиб юборадиган отаси ҳам, онаси ҳам ўтиб кетишган. Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас экан-да. Шу бола мактабни олтин медалга битирган, деб Шоим муаллим олқаб юради. Муаллим бизни алдамайди.

Суҳбат асносида яна бир янгилик менга аён бўлди. Тўхтабойнинг айтишича, Нурали энди қиморбозлар тўдасига кирмаслик, қимор ўйнамаслик учун ўзига-ўз қасам ичганмиш. Бугун қасамда собит қолаётганини билдириб, ош қилиб беряпти экан. Шу пайт чўққисоқол, зиёли қиёфали бир киши очиқ сўрашиб, даврамизга кўшилди. Тўхтабой янаям очилди:

— Хизрни йўқласак бўларкан, устоз. Ҳозиргина сизни ёдга олиб турувдим. Сўнг менга юзланди:

— Шоим муаллим шу киши бўладилар, ака. Нуралини бир вақтлар ўқитганлар. Ҳозир нафақадлар. Сўрайверинг. Булар тирик қомус. Ҳар қандай маълумотни устоздан ўтказиб айтолмаймиз. Мен қозондан хабар олай, — у кўзгалди.

— Нуралида нима хизмат бор эди? — муаллим синчков нигоҳини менга қадаганча сўради.

— Маълумоти бор экан. Бир жойга ходим керак эди. Айтиб кўрсамми, девдим, — деб ёлғонладим хижолатомуз.

— Енгил саноат институтини битирган. Биласиз, қишлоқда тугул, туманда ҳам бу соҳада айтарли иш йўқ. Шаҳарда қолмоқчи бўлганида, Худо раҳматига олган бўлсин, отаси ройиш билдирмади. У ер-бу ерда бошқа ишларни қилиб юрди. Ўзига ўтиришмади шекилли, муқим қўним топмади.

— Маишатга ўчроқ, деб эшитаман. Ҳеч қарда ишламаса... Оиласи бор экан.

— Ҳамма ишқал шунда-да, — муаллим афсус оҳангда бошини сарак-сарак қилди. — Бу болага тузук иш керак, иним. Сиз ёмон одамга ўхшамайсиз. Қайишиб турибсиз. Худо инсоф бериб, шу кунларда қимордан буткул юз ўгирибди. Тезроқ бирорта ишнинг этагидан тутиб қолса, жувонмарг бўлмасди-да. У туғма ақли. Бола бошдан маълум бўлиб қолади. Мактабда бизларни шошириб юборарди. Бирорта корхонада ишласа, ундан жамият фойда кўради, менга ишонаверинг...

Маҳалладошим Нуралини танимай гаранг бўлиб турибман. Ахир қишлоқдаги тўрт юз чоғлик хонадонда ўсиб-улғайган ёшларни бир-бир хаёл чизигидан ўтказиб ҳам бу юмушнинг урдасидан чиқолмаслигим тайин. Наридан борса, кўчамиздаги олтмиш хўжалиқдаги каттаю, кичикни илғаб олишим мушкул. У ёқда хотини кўчадан бери келмайди, ўз маишатининг қули деса, бу ёқда Шоим муаллим уни куюнчаклик билан олқаб турса...

Шоим муаллимдан изн сўраб кетишга тараддудландим.

— Ош бўляпти, насибани ташлаб кетманг ука, баҳонада Нурали билан танишиб, таклифингизга жўяли жавоб олардингиз. — Шоим муаллим қолишга ундаган бўлди.

— Раҳмат, ош бўлса қочмас. Ишхонага бош суқиб ўтсин. Ўша ерда бафуржа гаплашармиз, — дедим кузатиб чиқаётган муаллимга самимият билан.

\* \* \*

Эртаси куни эрталаб кимдир хона эшигини оҳиста чертди. Рухсат бўлгач, узун бўйли, башанг кийинган, соч-соқолли ҳозир олдирганлигидан эркаклар одекалонининг ҳиди бутун уфуриб турган қорача юзли дуркун йигит кўриниш берди.

— Ассалому алайкум, яхшимисиз? Уйда келинойимлар, укаларим соғ-омон юришибдими, йўқлатган экансиз?

— Э-ҳа, Нуралимисиз? Сиз билан тўй-маъракаларда кўришиб турардик чоғи, ҳамсуҳбат бўлмагач дарров эслай олмадим, узрда, — дедим.

— Мен сизни яхши танийман. Уч-тўрт йил муқаддам мақолаларингизни мунгазам ўқиб борардим. Кейинчалик ишнинг тайини бўлмай, газета ўқишга ҳам ҳафсала бўлмади.

Кўшни райондаги энди ташкил этилаётган қўшма корхонага раҳбар бўлиб тайинланган дўстим Шавкатжон билан тунда телефон орқали боғланиб, ишни пишитиб қўйгандим. Шу важдан гапни чувалатмай муддаога ўта қолдим:

— Нурали, хўп десангиз, қўшни райондаги фабрикада сизбоп иш бор экан. Шунга таклиф қилишяпти. Афтидан корхонага олий маълумотли соҳа мутахассислари жуда керак экан. Раҳбар ўзимиздан — Шавкат Арслонов бўлган. Ҳар ҳолда бир жойлик, бир-бирингизга қанот бўлиб ишлайсизлар.

Нурали мен кутгандек ланж, ишёқмас, гап кор қилмас, хотини ёзган “кўча хандон, уй зиндон” эмас экан. Мулоҳазалари содда, самимий, дўст-душманни фарқлай оладиган, ботинан чехрасида меҳр-оқибат учқунлари баралла сезилиб турибди. Бир қарашда субитсизга сира ўхшамайди. Афтидан шу лаҳзада иккимиз ҳам бошқа-бошқа ўй-хаёллар гирдобида қовурилдик. Ниҳоят у ўртадаги жимликни бузди:

— Майли ака, бугуноқ уйдагилар билан кенгашаман. Сўнг хужжатларни жамлаб, Тўйтепага равона бўламан.

Иши бир ёқлик бўлса, албатта кўнғироқ қилишини айтиб, Нурали илиқ хайрлашди.

Орадан ҳафта ўтиб ҳам Нуралидан дарак бўлмади. Лекин Шавкатнинг ўзи кўнғироқ қилиб қолди:

— Юборган кадринг оёқ-қўлли чиқиб қолди, дўстим. Раҳмат сенга. Ҳозирча битта цехга бошлиқ қилиб қўйдим. Ҳалол йигит кўрилади. Ишга боши билан шўнғиб кетди. Охири бахайр бўлсин. Ҳа дарвоқе, ўзи вақт топиб учрашмоқчи. Сендан ҳар нечук, хурсанд. Хўп хайр, бошқа телефонда мени шаҳардан сўрашяпти. Кейинроқ яна гаплашармиз.

Гўшакни қўяётиб, кўнглим алланечук ёришди. Ҳаётимда илк бор бир инсонни тўғри йўлга бошлаб юбораётгандирман. Балки Нурали саёқлик кўчаларида тентирай-тентирай, бир маъно тополмагач, тақдирини тубдан ўзгартиришга чоғланган паллада мен рўпара бўлгандирман? Қиморбозлар тўдасига уни ким, қандай эҳтиёж етаклайди? Ўзига оҳанграбодай тортгувчи қимор

дунёсини тарк этиш... Такрор ортга чекинмаслик, бу дунёнинг дам рутубатли, дам фараҳли лаҳзаларидан неча бор хуморланган йигитни қандай куч диёнат сари бошлади, экан? Буларнинг бари мен учун жумбоқ эди.

Орада Нурали билан гоҳ-гоҳ учрашиб турдик. Лекин бу ҳақда гап очишга бирор йўсинда ўзимда рағбат сезмадим.

Бир гал якшанбада болаларини етаклаб, уларга кийим-бош олиб беришга кетаётганида дуч келдим. Бошқа сафар бозор-ўчар билан халта тўлдириб уйига шошаётган паллада учратдим. Бир оила бошлиғи шунчалик бўлар. Шодумон хаёллар чекиниб, зулмат бағрида алвасти қиёфасида пайдо бўлган аёлнинг хатидаги сатрлар жонланди.

“Мен меҳрдан, севиш, севилиш бахтидан мосуво аёлман. Ортимдан чирқиллаб қоладиган фарзандларим йўқ. Бу кемтиклик мени ёмон ҳою-ҳавас йўлига солган. Бу ботқоқликдан тортиб оладиган куч борми, бу дунёда...”

– Бор, – дейман ўзимда ғайритабиий журъат туйиб. – Бу Нурали, сенинг шаърий умрдошинг. Хонадонингни бозорга айлантирган бир этак боланинг отаси Нурали!

Яна адоқсиз ўйловлар қуршовида қоламан. Ўрганган кўнгили ўртаниб қолаверса-чи? Аёл зотининг қайғуси қалбини забт этаркан. Бундай қайғудан кечмоқ — қалбдан юз ўгирмоқ билан баробар. Ўз хонадонини бутунлигича кўрмоқни истаган, шунга бел боғлаган Нурали эҳтимолки, хотинининг ҳою-ҳавас сиртмоғида иложсиз аҳволда қолиб, азоб чекаётганини билмас. Билганида ҳайдаб солиши муқаррар...

\* \* \*

Бугун эрталаб тундаги шарпа қиёфасидаги аёлдан яна хат олдим. Унинг ҳаёти ўзгарибди. Тамомила покдамонлик дунёси томон юз бурибди. Аввалги тушкунликдан асар ҳам қолмаган. Шодумон бир кайфиятда ўқиб чиқарканман, одил ҳукми ҳар галгидек, азиз ўқувчим, сизга қолдирдим.

“Ассалому алайкум, мухбир амаки, не бахтки, муз остидаги вужудимда илиқлик оралаб қолди. Нурали акамнинг меҳр-муҳаббатидан баҳра олиб, осмон-фалакда учиб юрибман. Уйдаги болаларимга (ўғай дейишга тилим бормади) кўрсатган оналик саховатимни яратган эгам инобатга олиб, менга ҳам тирноқ ато этди. Яқинда фарзандлик бўламан. Менга бундан зиёд бахт борми? Билсангиз, аёл зотига иснод келтирувчи ўтмишимни ҳаётимдан

буткул ўчириб ташладим. Мен каби адашган қиз-жувонларни покликка, ўз ор-номусини тоабад кўча-кўйда санқиган бозлардан асрашга ўзимда қодир даъват сезяпман. Қаранг, мен тамоман бошқа аёлман. Тозагул опам билан борди-келди қиляпмиз. Кексайиб қолган онамиз ардоғимизда.

Яқинда кўз ёрисам, тўрт фарзанднинг суюкли онаси бўламан. Нуридийдаларимни Нурали акам кўмагида кипригига гард кўндирмай папалаб, покиза беланчақда вояга етказаман. Шоядки, улар насл-насабимиздаги доғларни ювиб юборишга қодир покиза насллар бўлиб қолса.

Мендан олган хатларни ёқиб юборинг. Шу аснода сиз ҳам хайрли якун топган бу воқеадан тамоман халос бўласиз.

Сизга ҳурмат билан О...”

Оқшом пайти уйимиз ҳовлисида энг сўнги тилакни ижро этдим. Ловуллаб ёнаётган дам қизғиш, дам сарғиш алангада гўёки зулмат даъфатан ёришаётгандек, барча саёқ шарпалар ёниб кулга айланаётгандек эди...

1986 йил.



## ОРТДА ҚОЛГАН ТУРНАЛАР

*бадиа*

Кузакнинг энгил эпкини кўм-кўк осмон гумбазига маҳлиё тикилиб ётган икки болакайни гўёки аллалайди. Ҳализамон кўёш уфққа энгак тирайди. Бутун борлиқ қирмизи рангга чўмилади. Ногаҳонда болалар учиб ўтаётган турналарни кўриб қолишди.

— Ие, ана, осмонга қарагин, баландлаб турналар учиб ўтаяпти, кўряпсанми, Алимардон?

— Ҳа, ҳа кўряпман. Бирам чиройли. Бувим ясаб берган кўз туморга ўхшайди.

— Улар қадрдон, иссиқ олис юртлари томон ҳамжиҳат бўлиб отланади. Бир-бирига суяниб, жуфт қанот бўлиб манзилга етади. Буни бобом айтган.

— Ия Тоҳир, уни қара, ана. Бир, икки, уч... Ҳа, ҳаммаси учта экан. карвондан ортда қолиб кетибди-ку! Бунга нима дейсан?

— Балки дангасадир.

— Карвонга етиб учолмаса, нима бўлади?

— Адашади. Адашдими, тамом — қанотлари толиқади. Бир пайт пастга ағанаб тушади. Қурт-қумурсқаларга ем бўлади.

Кўкда турналар карвони алақачон олислаб кетган. Ортда қолган турналар тобора пастлаб бораётгандек туюлади. Ҳали мурғак, қалби қоғоздек оппоқ икки болакай эса карвонига етолмаётган турналар қисматига ачиниб, хўрсинишади...

\* \* \*

Тоҳиржон қизини шаҳарга кузатаётганди. Шоҳбекатда Каттасойнинг этагида турадиган ҳамқишлоғи Алимардонга рўпара келди. У ўша-ўша, озгин, паст бўйли, юзлари чўяндек қора, фақат ҳозир соч-соқоли ўсган, кийим-бошлари бир аҳволда, юзидаги ажинлар бўртиб кетган, кўлидаги эски чарм халтада кирчил ёғ идиш.

Алимардон арзон сигаретни бурқситиб ичига тортганча кўзлари қисилиб:

— Ҳалиям болаларингдан қутулмадингми? — деб сўради. — Ўзиям тоза ўқитдингми-а, ўғил бола бўлса майли эди-я, қиз бола бировнинг хасми бўлса! Э, сендақа меҳрибон отадан ўргилдим!

Тоҳиржон чурқ этмади. Аммо қизининг олдида бир замбил лой бўлди. Хижолатдан қизарди. Наргиза ҳам бир ҳолатга тушиб, дадажон, сиз қайта қолинг, деганча автобусга чиқақолди. Тоҳиржон шу топда Алимардонга жўяли жавоб қилишдан наф йўқлигини юрак-юракдан ҳис этиб турарди. Сабаби, эрталабдан “отиб” олибди. Бадбўй ароқ иси шундоқ анқиб турибди. Шу алпозда гапга тузоқ қўйса борми...

Тоҳиржон тилини танглайига босганча ундан узоқлашмоқни ихтиёр қилди. — Тўхта, — деди Алимардон Тоҳиржоннинг билагидан тутганча, — Ҳол-аҳвол сўрамайсан, нима бало, “катта” бўлиб кетдингми? Биз фақирлар билан гаплашгинг ҳам келмайди. Бир кун бизам одам қаторига қўшилиб қолармиз?

— Ишга шошаётган эдим, — дея астойдил узрини айтди Тоҳиржон босиқ оҳангда. — Сен шаҳарга кетаяпсан шекилли, йўлдан қолдирмай.

— Бу ёғидан хавотир олма, — яна авж олди Алимардон. — Мен автобусда кетаман. Сенларга ўхшаб бой-бадавлат эмасман. Таксига чоғим келмайди. Хотин ёғга лойиқ пул берган. Йўлқирани ҳам овқат пулини ҳам кўчадан топинг, деган.

Тоҳиржон бундоқ қараса, гап айланиб яна илгаригидек пулга бориб тақалапти. Тезроқ хайрлашиш илинжида чўнтагига қўл солди. Чиққани иккита юзталиқ бўлди.

— Йўлқира қиларсан, — хуфёна узатди Тоҳиржон. Алимардон пулни ютоқиб олди-да, таъна халтасининг оғзини бўшатди:

— Ана холос, сендақа мумсик ўртоқдан ўргилдим. Ўтган сафар гадойга садақа қилгандай учта юз сўмлик берган эдинг. Энди икки юз сўмми? Бу пул билан Бурганликдан нарига бориб бўлмайди-ку? Инсофинг борми, ўзи?!

Шоҳбекатда йўловчилар гавжум. Ҳамманинг кўзи уларда. Танишлар ҳайротомуз қарашади. Нотанишлар Тоҳиржонга гўёки “қарздор бўлсанг, узиб қўймайсанми, номард” дегандай истехзо, ачиниш билан термулишади.

Тоҳиржон бир боғ янтоқ устига қулаб тушгандай ноқулай аҳволда қолди. Яна кўнгилчанлиги панд берди. Таниш-нотаниш одамлар олдида қарз олиб, тўлашдан қочиб юргандай айбдорга айланди. Айниқса, автобуснинг очиқ деразасидан қизи Наргиза бу аччиқ-аччиқ таъналарни эшитаётган, ноқулай аҳволга тушиб қолган отасига ачиниш тикилиб турарди. Содда қизининг нигоҳида “отам наҳот шу ювиқсиз кишидан қарздор бўлса” деган таҳлика ҳам йўқ эмас эди.

Тоҳиржон даъфатан ўзи учун энг азиз, жон қадар яқин қизи бу воқеадан воқиф бўлаётганидан ҳушёр тортди. Қизи томон ўгирилиб, ҳеч нарса бўлмагандай, очиқ чеҳра билан хайрлашди. Сўнг шоҳ бекатдан илдам одимлаб кетди.

\* \* \*

Ўша куни Тоҳиржоннинг ичига чироқ ёқса ёришмади. Ишида ҳам унум бўлмади. Кўз ўнгидан соч-соқоли ўсган, ювиқсиз тишлари қорайиб кетган, усти-бошига қараб бўлмайдиган Алимардоннинг қаримсиқ башараси-ю, нурсиз кўзлари нари кетмади. “Ажаб, болалиқдан бирга чиллак ўйнаб катта бўлган, беғубор, содда Алимардонми ўша, ёки Алимардон қиёфасидаги товламачи, фирибгарми? Нега дарров чўнтак ковлаб пул берақолдим. Тезроқ ундан қутулай дедимми? Ўтган сафар пул олаётганида ҳам анча-мунча дийдиё қилмаганмиди?! Шошиб кетиб қолган эдим. Нега шунга эътибор қилмадим. Бу галгиси ошиб тушди-ку! Қизимнинг олдида нима деган одам бўлдим? Кўпчилик олдида изза бўлганим-чи!”

Тоҳиржон шу хаёллар тўфонида боши қаттиқ оғриётганини сездди. Ўзини чалғитиш илинижида идоранинг дам олиш хонасидаги диванга беҳол чўзилди. Сўнг бу воқеа ёдидан кўтарилгунга қадар гуноҳкор одамдек, ўзини кечиролмай юрди...

\* \* \*

“Чордара” маҳалласининг оқсоқоли Икром аканинг феъли қизиқ. Вайсақи, гапдон одамни жини суймайди. Ўқитувчиликдан нафақага чиққач, оқсоқолликка сайланган. Ўзи табиатан камгап одам. Кўп дийдиё қиладиган шикоятчига тоби-тоқати йўқ. Ғалати одати бор, дарровда пешонасини ушлаб, сукутда қолади. Сўнг узундан-узоқ ҳасрат оловига сув пуркаб, нуқта кўяди: “Муддаога ўтинг, муддаога. Кўп гап эшакка юк”.

Бир гал пешин вақти фаоллар тўпланиб, чигал масала ҳал қилинаётган эди. Ёшига нисбатан қаримсиқ бўлиб қолган бир йигит даврага беписанд бош суқди. Сўнг ҳе йўқ-бе йўқ, дардини дастурхон қилиб ёйди:

— Мен ҳаётда ўз йўлини тополмаган нотавонман, ҳиқ. Ҳа, менга томошақовоққа қарагандай қараманглар, ҳиқ. Ўша қовоқ ҳам фойдали, ҳиқ. Лекин мен ҳеч кимга керакмасман, ҳиқ. Ҳа, ҳиқ.

— Бас, етар. — Оқсоқол одатига кўра икки чекасини қўллари билан тутганча хитоб қилди. — Қулоғингга танбур чалганмидим. Худа-беҳуда дардингни ҳар ёқда айтаверма, демаганмидим.

— Мени ҳайдаманг, оқсоқол, ҳиқ. Озроқ бўшаб олай, ҳиқ.

— Ҳозир шунинг мавридими, кўряпсан, иш билан бандмиз. Сен ҳам бизни тушун-да, ука. — оқсоқол бироз зарда жilовини бўшатиб, нозирга таҳдид нигоҳини қадади:

— Сал хушёрликни оширсангиз бўлмайдими. Бу ер каптархона эмас-ку, Аширов.

Нозир шошиб ўрнидан кўзгалди. Маст йигитга тармашди. Уни даст кўтарганча хонадан олиб чиқди.

— Бу йигитни танимадим. Маҳаллага янги кўчиб келганларданми? — сўради комиссия аъзоси мақомида ўтирган Тоҳиржон.

— Асли Эски шаҳардан. Хотини маҳалламиз қизи. Ажрашишганди, яқинда ярашишган. Бу йигит ҳозир маҳалламизга ичкуёв ҳисобланади. Лекин ёлчителиб яшаётгани ҳам йўқ. Келин эса куёвга уйингда турмайман, деган экан.

— Бундай пиёниста ота-онанинг шўри-да, — илмоқ ташлади фаоллардан бири.

— Эр-хотин кўш ҳўкиз бўлиб аравани тормаса, қийин, — яна бир фаол ачинган бўлиб бошини сарак-сарак қилди.

— Даврон ўзи аслида ёмон бола эмас — ўйчан тил ёрди оқсоқол. — Ароқни оғзига олмаган пайтда ўн гапириб, бир сўз ололмайсан. Унинг дарди оғир, бой хонадонда ўсган қиз билан ҳаётини боғлаб, шу жафога гирифтор бўлган. Кўп суҳбатлашдим. Ҳар сафар у битта талабни олдимга қўяди. Мен тил тишлаб, танг аҳволда қоламан:

— Мен эр мақомида турай, хотиним болаларимнинг онаси сифатида менинг ҳурматимни жойига қўйсин. Хуллас, мен подшо, у вазир бўлсин, — дейди.

— Хотинининг танобини тортиб қўймадингизми, — қизиқсиниб сўради Тоҳиржон оқсоқолдан.

— Индаллосини айтсам, бунинг уддасидан чиқолмаяпман — деди ошкора тан олиб оқсоқол. — Қани гапни эшитса, бу хотин. Шу қадар тезобки, на каттага ҳурматни билади, на уялишни. Нима ҳақида гапираётганини, билса ўлай агар. Минг-минглаб ёшларга сабоқ бериб, бунақасига биринчи бор рўпара келишим. Мактабда ҳам бетга чопар, юзи билан кети бир, ёшлар бўларди. Уларнинг дарров танобини тортиб қўярдим. Бу эса...

– Икром ака, кўпам қайғурманг – мана сафимизда бундай ишни жойига қўядиган Тоҳиржон бор-ку, – деди маслаҳатчи Норгул опа худди ёмби топиб олган боладай суюниб. – Ахир анча муддат шаҳар ҳокимлигида ёш оилалар билан ишлаб, тажриба орттирган. Шу йигитнинг ҳаётини ижобий ҳал қилиб беришни унга топширақолсак-чи?!

– Маъқул таклиф, – дея қўллаб-қувватлашди фаоллар бир овоздан.

– Оила ишига бундай енгил-елпи қарамайлик-да, – ранжиган бўлиб сўз қотди Тоҳиржон. – Мени гўёки бозордан ул-бул харид қилишга жўнатаётгандек, масалага юзаки муносабатда бўлаётганга ўхшайсизлар. Бир инсоннинг тақдирига шунчалик бефарқ қарамайлик, демоқчи эдим, кечирасизлар.

– Боя ҳам айтдим, Даврон биз ўйлаганчалик кўчабезори эмас. У билан хоҳлаганча диллашса бўлади. Гап кўнглини топишда. Ҳаммамиз ичкилик ичган одамни одам қаторига қўшмаймиз. У билан муомаламиз келишавермаганидан тезроқ қоча қоламиз. Ортиқча можарога тоқат қилмаймиз, сабримиз етмайди. Аслида, у ҳам инсон. Юраги, кўнгли бор. Ҳаёт, оила, турмуш синовлари сўқмоқларида кетаётиб қоқилган. Руҳан азоб чеккан. Оқибатда ана шу руҳий азобни енгил-елпи ўзида куч тополмагач, ароққа ошно бўлган. Мастлик – ростлик, деганлари ҳақ-да. Ичиб олса, ичидаги ҳамма дардини тўкиб солади. Бу йигитнинг гапини тингласа, арз-додига арзигулик муомала қилса бўлади. Ҳозир ҳам эшитдинглар, ҳаётда ўзининг ортиқча эканлигини айтиб кетди.

Оқсоқол маслаҳатчи опанинг бир оз шошқалоқлигидан хижолатда, уни ҳимоя қилган бўлди:

– Биз ҳам қараб турмаймиз. Сизга елкадошмиз.

Хуллас, кўпчилик овоз билан бу чигал масаланинг ечими Тоҳиржоннинг чекига тушди.

\* \* \*

Тоҳиржон иттифоқо бир маъракада Солижонни учратмаганида Алимардон билан юз берган дилхираликни тамоман унутган эди. Эски яра ўрни яна қичимсиб, оғриб қолди. Шу ҳақда сўз очилишига тамоман қарши эди. Ёпиқлик қозоннинг оғзи очилмагани маъқул эди. Уни Солижон очди. Салом-алиқдан сўнг мийигида кулганча сўз қотди:

– Сиз ҳам Алимардонга бир марта нишон бўлибсиз-да. Номард шу одатини ташламади. Мана, мени айтди дерсиз, бир куни қаттиқ панд ейди, шу бола. Кўза кунда эмас, кунида синади.

– Қаёқдан эшитақолдингиз? – ошкора норозилик оҳангида сўради Тоҳиржон.

– Жияним айтиб қолди. Сизни шоҳбекатда кўрган экан. “Оббо” дедиму, аҳволингизни кўз олдимга келтириб ич-ичимдан ачиндим. Унга пул эмас, чақани ҳам раво кўрмаслик керак. Нақ сизни одамлар олдида айбдор қилиб қўяди.

– Рост, энди кўзим очилди. Яхшиликка яхшилик қайтмас экан.

– Нимасини айтасиз? – Солижон чуқур уҳ тортди. – Қишлоқдаги бир тўйда мени шарманда қилди. Қочгани жой тополмай қолдим.

– Нима бўлди? Берган пулингизни юзингизга отиб, берсанг тузатиб бер-да, дедими?

– Бердисини айтгунимча сабр қилинг, ошна. Аввалига бинойдек тўйхондан ош еб чиқдик. Алимардон мени чеккага тортди:

– Беш-олти сўминг бўлса, қарзга бериб тур. Соч-соқолимни олдириб олай, – деб ялинди. Азборойи ачинганимдан тўрт юз сўм бердиму, балога қолдим:

– Қадрим шу бўлдими? Берсанг тузатиб бер-да, деб айюҳаннос солса бўладими? Шу тобда биров устимдан бир челақ сув ағдариб юборгандай, кўз олдим қоронғулашиб кетди. Жаҳл устида бир тарсаки солиб юборганимни билмай қолибман. Қариялар ажратиб қўйишди. Сўнг Алимардон у ёқда қолиб, мени дашном ботқоғига қоришди:

– Бировнинг тўйида безорилик қилгани уялмайсанми? Қарздор бўлсанг, устига-устак муштингга зўр берганинг нимаси?

– Ҳой, отахонлар. Мен сизларни ўз отамдек бошимда кўтараман. Ёшим эликни қоралаяпти. Яратганнинг олдида қарзим бўлса бордир, лекин шу чоққача бирорта бандасидан қарз олган одам эмасман. Ахир бу қуруқ туҳмат-ку?! Нега менга ишонмайсизлар? – дедим йиғлагудек бўлиб.

– Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз, болам – деди бир кексароқ нуроний паст овозда, – олганинг бўлса бордир, ёдингдан кўтарилгандир. Ҳар нечук бир бегуноҳга мушт кўтариш худога хуш келмайди.

Қариялардан бири ниҳоят менга ачинган бўлди:

— Илоё тухмат балосидан ўзи асрасин, тухмат шунақа ёмон, болам.

— Шу-шу, қариялар кўзига хунук кўриниб қолдим — дея Солижон маънос тортиб Тоҳиржонга тикилди. — Шунақа, ошна, ёшим бир жойга етганда муштумзўр деган тамға ортгирдим.

Тоҳиржон ҳамқишлоғининг надоматли дардини тинглаганча хомуш ўтирар, бирор тасалли айтишга шошмас, шоҳбекатда юз берган воқеалар худди тасмада намоён бўлаётгандек, хаёлида жонланарди. Ўшанда Тоҳиржон ҳам уриб юборишга хезланган, лекин тезда ўзини қўлга олиб, шайтонга ҳай берганди. Қолаверса, жамоат жойида тартибни бузиши, қизининг кўз ўнгида мушшлашиши уни ҳам одамлик қиёфасидан чиқариб юбориши мумкин эди. Шунини ўйлаб, ортга чекинганди. Бир ҳисобда, тўғри йўл тутганидан қувонган, аммо эркаклик шаънига, қизининг олдида оталик обрўсига путур етганидан ич-ичидан эзилганди.

Шу аснода ўз хаёллари дарёсига фарқ бўлиб ўтирган Тоҳиржондан садо чиқавермагач, Солижон кўзгалаётиб, юпатган бўлди.

— Майли, ҳамқишлоқ. Эски ярангизни янгилаб қўйдим чоғи. Худо шундай тухмат балосидан бундан буён ҳаммамизни йироқ тутсин.

\* \* \*

Тоҳиржон елкасида оғир юк кўтариб кетаётган ҳаммолдек зўрға одимлайди. Маҳалланинг топшириғи унинг қадини эзиб бораётгандек эди гўё. Эскишаҳар деганлари ўз номи билан эски иморатлар, бир-бирига туташган уйлар. Мингдан зиёд хонадон жойлашган бу шаҳарчада Давроннинг уйини топиш осон эмас. Лекин Давроннинг ота уйини маҳалладагилар осон кўрсатиб беришди. Даврон ҳам шу ерда экан. Бир-икки овоз бергач, дарвозани Давроннинг ўзи очди. Самимий салом-алиқдан Тоҳиржон билдики, қаршисида маҳалла идораси эшигини беписанд очган, сўнг ичидагини тўкиб солган у Даврон эмас. Гап оҳанги ҳам жойида. Мулозамати ҳам, ўзини тутиши ҳам кировий мезбон мақомида.

Тоҳиржон бу ҳолатдан танг аҳволда қолди. Гапни нимадан бошлай, деб эзилди. Ҳол-аҳвол сўраган бўлиб, қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин шунча йўл босиб келди-ку! Иккиланиб туриб қолди. Кутилмаганда Давроннинг ўзи гап очди:

— Сизни таниб турибман, ака. Маҳалладаги йиғинда кўзим тушгандек, бўлувди. Яхши бўпти келганингиз. Бир дардлашамиз. Қани, уйга кирайлик.

Тоҳиржон худди шундай илтифотни кутиб тургандай, Давронга эргашди. Дастлаб икковлашиб, ер баробар қилиб солинган оҳаклари униққан чоғроқ хонага киришди. Пойгакда чой дамлаётган ёши етмишларга бориб қолган, юз-қўлларигача ажин босиб кетган онахон жонсарак бир ҳолатда меҳмонга кўрпача тўшади. Сандал тўрида ёнбошлаб ўтирган, саксон ёшларни қоралаган, бодомқовоқ отахон ўрнидан кўзгалганида меҳмон шошиб эътироз билдирди:

— Ассалому алайкум. Турманг амаки. Кечки пайт бемаврид безовта қилиб қўйдим-да, сизларни, узр.

— Ваалейкум ассалом, ундай деманг, ўғлим. Меҳмон — атойи худо, дейдилар. Одам бор жойга одам келади-да, хуш кўрдик.

Тоҳиржон омонат ўтирган кўйи аввало отахондан, сўнг дамбадам чой узатиб ўртани турли қанд-курс билан тўлдираётган онахондан ҳол сўради. Бир чеккада чордана қуриб, жимгина бош эгиб ўтирган Даврон ҳам четда қолмади. Кўнгил сўраган бўлди. Отахон кўпни кўрган, кекса шуурида бу ташрифнинг моҳиятини аллақачон идрок этиб турган бўлса ҳам гапни узоқдан бошлади:

— Сўраганнинг айби йўқ-да, болам. Сиз кимнинг ўғлисиз? Танаймайроқ турибман.

— “Лолаариқ” маҳалласидаги Абдукарим аканинг ўғлиман. Отам қайтиш қилганларига ҳам ўн йилдан ошиб қолди.

Отахон сукутда ўйга толди. Чамаси лолаариқликларни бир-бир хаёлдан ўтказди. Хотираси панд берди чоғи яна сўради: — Худо раҳматига олган бўлсин, отангиз нима иш билан машғул бўлган?

— Боғбон бўлганлар.

— Э, шундай демайсизми, танидим суд Пўлатнинг укалари-да. Боғ яратишда у кишининг олдига тушадигани бу атрофда бўлмаган. Анча олисдан шаҳарликлар тўғри дадангиз олдига келиб, сара Тошкент чиллакисию, шивилғониларни, эчкиэмару хусайнилари кечпишар тойифини талош-талош қилиб олиб кетишарди. Абдукарим ака эсини таниб боғ барпо этибдики, бирор марта замбилга узум жойлаб, шаҳарга бориб бозорда сотган эмас. Ҳамма ҳосилнинг нақд пулини уйда санаб тахлаган.

— Шу боғ ҳозир ҳам борми, у кишининг учта ўғли бўларди. Қайси бирларингизга теккан.

— Боғ менда қолган. Отам эккан, анча йўғон тортиб кетган занглардан ҳалиям ҳосил олиб турибмиз, — Гап қовуша



бошлаганидан ўзини бир оз эркин тутиб деди Тоҳиржон, — яхшигина даромад ҳам қиляпмиз. Тўй-маъракаларимиз боғ устидан ўтиб турибди.

— Э, яшанг ўғлим! — отахоннинг тунд чеҳраси ёришди. — Отангиз қўли теккан, меҳри тушган боғни ҳеч қачон қаровсиз қолдирманг, ҳамиша авайлаб-асранг. Ҳеч қачон кам бўлмайсиз. У кишининг руҳи ҳар доим сиз билан ёнма-ён юради. Оилангизга тотувлик баробар қут-бараканинг ёғилиши ҳам аслида шундан...

Отахон бир фурсат сўзлашдан тўхтаб, болишдан қаддини кўтарди. Сўнг ҳануз бошини экканча мук тушиб ўтирган ўғлига ачинганнамо, тикилиб деди:

— Мен ҳам бу дунёдан ном-нишонсиз ўтиб кетмай, деган илинжда Давронбойга участка сотиб олиб, боғ-роғ қилганман. Қарилик бедаво дард экан. Илгариги куч-қувватим қаёқда дейсиз. Ҳатто, бориб келишга ярамай қолдим. Боғ эса кўзим очқлигидаёқ қаровсиз, ташландиққа айланяпти. Давронбой эса, ёши ўттизга кириб ҳам, оиласидан тинчимаган. На ишида, на ҳаётида ҳаловат бор. Боши берк кўчага кириб қолган. Ўғлимга ҳам осон тутмайман, ачинаман. Баъзида туни билан шуни ўйлаб, тикон устида ётгандек, тўлғаниб чиқаман. Онасининг аҳволи меникидан ҳам баттар. Неваралари кўзидан ўтиб, йиғлагани-йиғлаган. Бу баттол келин эски, пастак, гувалак уйларимизда туролмасмиш. Қариндош-уруғларидан уялармиш. Хуллас, бизлар ўғлимизнинг беҳуда соврилиб осмонга учаётган азиз умрига ачинамиз. Уззукун онаси иккимиз вақти қазомиз етса, хотиржам оёқ узатолмай кетишимизни ўйлаб, эзиламит.

Даврон суҳбат яна давом этадиган бўлса, бирорта сир очилиб қоладигандек, безовта бўла бошлади. Отаси чой ҳўплаш асносида, ўғил муддаога ўта қолди:

— Дада, бу акам маҳалладан вакил бўлиб келганлар, оилам масаласида. Рухсат берсангиз, нариги уйга чиқсак девдим. Сизлар дам олинглар.

Отахон қўлларини дуога очди:

— Илоҳим, ўғлимнинг ишига рўшнолик ато эт, Омин!

Тоҳиржон мезбонга эргашиб, ҳовлининг бир чеккасидаги икки хонадан иборат кўримсизгина уйга кирганида, ўтириб қолган ароқ ва сигаретнинг бадбўй исидан кўнгли беҳузур бўлди. Боя йўлакда кутиб олганида эътибор қилмаган экан. Хонтахта атрофига якандоз солаётган Давронга бошдан-оёқ разм солиб билди. Сочлари ўсиб кетган, эгнидаги кўйлак тоғорага

тушмаганига анча бўлган, ёқасининг кири шундоқ кўриниб турарди. Токчада бўшаган сигарет қутилари ёйилиб ётар, эски каравотнинг оёғи тагида кўздан пана қилиб, бўш шишалар тахланган. Каравот устидаги кир чойшабнинг бир чеккаси куйиб тешик ҳосил бўлган. Хуллас, бу хонадаги жиҳозлар шулардан иборат эди.

Тоҳиржонга Давроннинг ҳали ўтириб фотиҳа ўқишга ҳам сабри чидамай, изнсиз сигарет тутатгани ёқмади. У ўчакишгандек, ютоқиб тутунни ичига ютар, сўнг ҳузур билан ташқарига чиқарарди. Унинг бу ҳаракати Тоҳиржонга кўққисдан Алимардонни эслатди. У тизгинсиз хаёллар дарёсига ғарқ бўлди. “Алимардон-ку оилали бўлатуриб, ҳали-ҳануз ҳаётдан ўз ўрнини тополмаган, Даврон оиласини тиклаб қачон оёққа туради? Қачон одамлардек, сипо кийиниб, ўзига қарайди? Ўттиз ёшни ортда қолдирибди. Қолган умри унга яна қандай кароматлар тухфа этаркин. Ўзини бесамар ичкилигу сигарет билан овутаётган, кунини шуларсиз тасаввур қилолмайдиган, қўли фойдали ишдан совуб улгурган эркак аёлга керакми? Тўрт мучаси соғ Алимардону Даврон тоифасидаги одамлар бемаза қовуннинг уруғидек, кўпайиб кетаверса, улардан қолаётган фарзандларнинг тақдири не кечади? Алалоқибат, фарзандлар ҳам ота йўлидан юрмайди, деб ким кафолат беради? Алимардон болалигида қандай содда, билимга чанқоқ, ташаббускор, диёнатли эди. Уни шу кўйга етаклаган отасининг йўриғи бўлмадими? Оталар босган излар фарзанд учун саждагоҳдек, азиз ва мўътабар бўлмасмиди? Алимардон ота йўриғидан бориб, абгор, нотавон бўлмадими?” Тоҳиржон шуларни ўйлаб турганида Даврон бир нимасини йўқотгандек бесаранжом бўлиб қолди.

— Нима гап, тинчликми? — сўради меҳмон ҳайрон бўлиб.

— Доим шунақа бўлади. Бир дилдан суҳбатлашиш имконияти бўлганда, сигаретим тугаб қолади. Рози бўлсангиз, шу зормандани кўшни дўкондан чопиб бориб олиб келсам.

— Майли, — энсаси қотиб рухсат берди Тоҳиржон, — ҳаяллаб қолманг.

Даврон гап-сўзсиз эшик томон юрди.

\* \* \*

Меҳмон хонада ёлғиз қолди. Алимардон билан хаёлида яна суҳбатлаша бошлади.

“Болаликдаги беғубор Алимардон, сен қаёқдасан? Сенинг айна пайтдаги феъл-атворинг, ажабким, тасаввуримда суратдек қотиб қолди. Ҳам нафрат, ҳам ачиниш ҳисси билан сени тез-тез ёдга оладиган бўлдим. Болаликдаги шўх-шодон дўстим Алимардон, қайларда қолдинг?”

Сертупроқ кўчаларда ялангоёқ югуришда ҳаммамизни ортда қолдириб кетмасмидинг? Мол ҳайдаб, туя ўркакидек паст-баланд қир-адирларга чиққанмизда чиллакни ҳам, тўп тегишни ҳам сен ўргатмасмидинг? Шаффоф осмонга тикилиб ётганча ширин орзулар кучоғига сингиб кетардинг. Ҳайдаб келган молларимизни ҳам унутиб, сенга тақлидан биз ҳам мовий осмон гумбазига маҳлиё бўлганча ётардик.

Сен болаликдан бўйинг паст, лекин зуваланг пишиқ, қорамтир қўлларинг бақувват эди. Бу қўллар билан ҳар қандай улуғ ниятлар этагини тутишингга биз ўшанда шубҳа қилмасдик. Биз сени жаҳл отига минганимизда пакана, деб айбситардик. Бу лақабдан тариқча хафа бўлмасдинг. Жуда алам қилганда найновлар, деб қўя қолардинг. У пайтларда фириб, алдамчилик, деган сўзларнинг мағзини чақмасдик. Ҳаммамиз содда, беғубор эдик.

Иттифоқо бир куни кафтдек кичкина қишлоққа хунук хабар тарқалди. Нотаниш одамлар тунда отангни калтаклаб, оғилхондаги новвосни етаклаб кетишибди. Сен шундан сўнг, кўчага чиқмай қўйдинг. Сабабини билолмай, ҳалак эдик. Адирдаги шўх-шодон ўйинимиздан файз кетди. Ичак узди, ҳангома-ю, қизиқарли ўйинларнинг ташаббускори сен эдинг. Сен бўлмагач...

Бир кун номозшом пайти сени анҳор бўйида сувга тикилганча, маъюс бош эгиб ўтирганингни кўриб қолдик. Ҳаммамиз шошганча ёнингга югурдик. Сен илгариги Алимардон эмас, қандайдир инжиқ, камгап, боз устига қўрс, одамови бўлиб қолгандинг.

– Кетинглар, энди мен сизлар билан сираям ўйнамайман, — деганча бизларни ҳайдаб солдинг. Биз хомуш уй-уйимизга тарқалдик. Мактабга ҳам омонатдек борардинг. Танаффусга кўнғироқ чалиниши билан шовқин-сурон кўтарган болалар тўдасидан чиқиб, ғойиб бўлардинг. Ёлғиз юришга, ичингни пармалаётган, ҳеч кимга айтолмайдиган туйғуларингни яккаш ўзинг енгилга интилардинг. Баъзан машғулот пайтида ўзингдан-ўзинг устознинг рухсатисиз, чиқиб кетардинг. Кимё фани

муаллими қирғинбарот уруш оловларидан омон қайтган, умрнинг паст-баланд сўқмоқларида юриб, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган Мақсуд устоз ҳам сенинг бу ҳолатингни юрак ютганча, жимгина кузатиб қоларди. Афтидан устоз ҳамма воқеадан хабардор эди. Тил ёриб, ҳеч кимга овоза қилмасди.

Бир сафар кўққисдан машғулот ярмида синфни тарк этдинг. Шундагина устоз бошини сарак-сарак қилганча ёрилди:

– Оталар қилган айб учун фарзандлар жавобгар эмас. Лекин руҳ сингани ёмон-да!

Биз ўшанда барибир руҳ деган сўзнинг маъносини ҳам билмас эдик.

Йиллар ўтди. Алимардоннинг хонадонидан отасининг бошидан ўтган воқелардан огоҳ бўлдик. Шофёр отаси тунда қўшни қишлоқда овлоқроқ бир хонадондаги қиморбозлар тўдасига билиб-билмай қўшилибди. Аввалига қўли келиб, ютиб олибди. Кейин эса қулоғигача қарзга ботибди. Тўламай юравергач, охири оғилхонадаги новвосни қарз бадалига етаклаб кетишган экан.

Мактаб билан хайр-маъзур қилиб, шаҳарга ўқишга отландик. Алимардон, сен ҳам шаҳарга бординг. Афсус, талаба бўлиш сенга насиб этмади. Бироқ тезда қишлоққа қайта қолмадинг. Билсак, юқори курсларда ўқиётган ҳамқишлоқларнинг ижарадаги уйларида тунаб, кундузи шаҳар изғиб юраркансан. Ота-онанга қандай важ қилгансан, бизга қоронғи эди. Шанба кuni уйга қайтганимизда бечораҳол бир аҳволда онанг Мавжуда ая сени биздан сўроқларди. Биз тайинли гап айтолмай, қийналардик. Сен шанба-якшанба кунлари ҳам қишлоққа қайтмасдинг. “Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади” деганларидек, ёлғоннинг бир кун миси чиқди. Отанг сени шаҳардан олиб келганини, қассоб қайнисига шоғирдликка берганини эшитдик.

Қассобхонада бинойидек ишлагансан, шекилли. Ишончга киргансан. Тоғанг қассобхонада кам кўринадиган, мол харид қилиб, сўйиб, сенга топширадиган бўлибди. Бу орада уйланиб, оилалик бўлганингдан хабар топиб, қувондик...

\* \* \*

– Узр ака, сизни куттириб қўйдим, – хижолатда тил ёрди Даврон ювиқсиз ликобчага сигарет кулини ташлаётиб, – энди дардимни айтсам бўлади.

— Муддаога ўтсак, ука. Билишимча, келин билан муросангиз яхши эмасга ўхшайди, — деди соатига қараб тоқатсизланган Тоҳиржон.

— Ҳа, шундай ака. Мени эр ўрнида кўриб, хурмат қилмайди. Ўртада икки нафар фарзандимиз бор. Кўриб турибсиз, хотин кўйиб, хотин оладиган аҳволда эмасман. Ота-онамнинг ёши ҳам бир жойга бориб қолган. Ўзингиз гувоҳи бўлдингиз, — йиғлагудек бўлиб минғирлади Даврон.

— Муросаю-мадорада бош иллат сизда, деб ҳисоблайман. Ҳа, шундай ука, — Тоҳиржон аччиқ ичакдек чўзиладиган суҳбатга кескинроқ тус берди. — Ўшанда жамоат жойга ичиб бориб, оғзингизга келган гапни айтдингиз. Оилада шундоқ йўриқ тутсангиз, келинга албатта ёқмайсиз-да!

— Тўғри, ўша куни шундоқ бўлиб қолди. — Елкасини қисганча айбини бўйнига олди Даврон. — Менга ҳам ўтказиб юборган-да, ака. Уззу-кун ўзини осмонга чиқариб, ўзгани тупроққа булғайверса, темир ҳам дош бермас экан!

— Сиз, шундан сўнг аламдан ароқ ичасиз, шундайми?

Даврон тасдиқ маъносида бошини эгди.

— Ука, мени дўст деб билинг. Ўзингизга кўзгуда қараганмисиз? Кийим-бошингизнинг аҳволини қаранг, афтидан шу уйга бир вақтлар келин тушган. Шундан сўнг оҳак тегмабди. Тўрт мучаси соғ йигитнинг иши эмас-да, ука. Сиз аввал ўзингизни қўлга олинг, бинойидек чилангар экансиз. Сизга ҳамма ёқда иш қайнаб ётибди. Ёки бу хунарни ҳам ароққа айирбошлаганмисиз?

Даврон яна оғзига талқон солиб олгандек, тош қотди.

— Шунақа ука, — Тоҳиржон нишонни бехато мўлжалга олаётган мергандек Давронга тикилди. — Эрликни талаб қилиш осон. Унга муносиб бўлиш амримаҳол. Мен сизда эркак кишига хос бўлган гурур, қатъиятни кўрмаяпман. Буёқда отангиз, мендан арзигулик боғ қолмаяпти, деб зорланяпти. Уёқда боришингизга хотинингиз дардини дастурхон қилиб ёзиб кутиб ўтиргандир. Бир товукқа ҳам дон, ҳам сув керак дегандай.

— Хотиним мен топган пулга муҳтож эмас, бой акаси томоғигача ботадиган қилиб, таъминлаб қўйган..

— Мана, тошу-тарозу қаерда бузилган, ўзингиз ошкор қилдингиз. Қора қозонни сувга ташлаб қўйиб, эрликни талаб қилишингиз қизиқ-да! Ҳамиятингиз қаёқда қолди? Эрлик гурури-чи?

Ҳар икки гапнинг бирида акасининг бойлигини айтиб бошингизга гурзидек тушураётган хотин олдида сиз бир жонсиз ҳайкалсиз, шундайми? Акамнинг топганига кекириб юрибсан, деса ҳам, у ҳақ. Чунки жilовни аввал бошдан икки қўллаб топшириб қўйгансиз. Оила, рўзғор деган машмашанинг масъулиятидан соқит бўлиб қолган ҳар қандай эркак энди хотин назарида эр эмас, қаро ер билан тенгдир.

Тоҳиржон Давроннинг абгор турмушини гўёки кўзгуда кўрсатгандек, аниқ-тиниқ айтарди.

— Мен нима қилай, ака? Мана шу отам солган уйда тинчгина аҳил-тоғув яшайлик, дедим. Кўнмади. Бой акасига бир имо билан “дом” олдирди. У ер ҳам торлик қилди. Ҳашаматли уй-жой курдирди. Ҳозир ўша ерда яшаяпти. Болаларимни соғинсам, қулоғимга пахта тиқиб бораман, ҳарна шунинг таънасини эшитмай, дейман-да. Элтган совғаларимни, фаразндларимга деб олган кийим-бошларни юзимга отади. Қани муомалага кўнса... — Даврон нафаси қисилгандек, жим қолди. Оғир уф тортиб деди:

— Мен ҳам элдан чиқмаганман, ака. Муроса қилай дейман. Болаларим онасининг йўриғига тушиб қоляпти. Менга маймунга тикилгандек, масхаралаб қарашади. Шунисига сираям-сираям... чидолмайман.

Даврон ичи бўшаб қолгандек, маънос тортиб қолди. Чамаси, оиласидаги камситишлар аламига дош беришга ожиз эди. У йиғлаётганди. Ниҳоят ёшли кўзларини арта туриб ёрилди:

— Ҳақ гапни юзимга айтиб, тўғри қилдингиз, ака. Қайноғам келтирган хўрак билан яшаганим рост. Уни кўчага улоқтирмаганман. Бу хотин билан яшолмайман. Суд орқали ажрашаман. Ўғлимни менга қайтариб берса ҳисоб...

— Энди бу мутлақо шахсий ишингиз. Қўйди-чиқдига аралашмаймиз. Аммо касб этагини тутиб, кирови яшаш тарадудини кўрмоқ зарур. Акс ҳолда эртага аттанг, дейишдан наф йўқ. Шаҳримизда қурилиш кўп. Чилангарликни эъзозлаб, ҳурмат топганлар ҳам оз эмас. Ҳар ким меҳнати билангина ҳаётини безайди. Бу ёғи энди сизга боғлиқ...

— Фурсат топиб келин билан албатта гаплашаман. Балки муросага кўндираман. Олдиндан ваъда қилмайман.

Тоҳиржон даврбоза бўсағасида Даврон билан хайрлашаётиб, отасининг армонини эслатди:

— Боғ қаровсиз қолмасин, ука, ота рози — худо рози, дейишади. Боғни, ерни яшнатганнинг кўнгли яшнайти. Икки дунёси обод бўлади...

Пойдевори кўтарилиб қурилган кўп хонали муҳташам уй, атрофи уч метрча пишиқ гишт билан урилган девор. Уйнинг шундоқ ёнгинасида деворга монанд икки табақали баланд дарвоза. Ёнида одам кириб чиқиши учун мўлжалланган чоғроқ эшик. Ичкаридан кўшиқ саси эшитилади.

Тоҳиржон дарвоза олдида бир муддат ўйланиб қолди. “Шундай катта уйда уч жон яшайдими? Давроннинг аёли Мукаррам, ўғли Сарбон, қизи Гулираъно”. Унга бу номларни оқсоқол айтган. Яна тайинлаган: “Муомалада эҳтиёткорроқ бўласиз-да, ука. — Ҳаволанаверса, яна қизишиб кетманг.

Тоҳиржон кичик эшикни авайлаб очиб, овоз берди.

— Сарбонжон, ҳов Сарбонжон!

Ичкарида кўшиқ саси тиниб фурсат ўтмай ўн ёшлар чамасидаги бўйнини боғлаб олган қизча чопиб чиқди. Нотаниш одамга хўмрайиб:

— Сарбон йўқ, амаки, — деди. — Мактабга кетган.

— Сен-чи қизим, ўқишга бормадингми? Уйда ким бор?

— Аямла.

— Аянгга бир амаким сўраяптилар дегин.

Қизча индамай изига қайтди. Сал ўтмай ўрта бўйига номуносиб тарзда семирган, сариққа мойил, юзи бироз чўзинчоқ, қовоқлари уйқудан солқиб кетган аёл кўриниш берди. Юпқа лаблари титраган кўйи сўради:

— Келинг, нима хизмат?

— Мен маҳалла қўмитасининг топшириғи билан келувдим, синглим — деди босиқ оҳангда Тоҳиржон. — Давронжон билан муросаларингиз масаласида гаплашиб олмоқчи эдим.

Мукаррамнинг туйқусдан авзойи ўзгарди. Тоҳиржон, бордию аёл айвонга таклиф этса, бафуржа ўтириб суҳбатлашмоқчи эди. Меҳмон қувғинга маҳкум одамдай, йўлакда танг аҳволда қолди. Уй бекаси жаҳл отига миниб улгурган эди.

— Ўшаям эркакми, яна отларига “жон” кўшволишганига ўлайми! Мен ҳеч кимнинг панд-насиҳатига муҳтож эмасман, тузукми? — Аёл сенга жавоб дегандай терс ўгирилиб, ичкарилади.

— Тўхтаг, синглим! — ялинганнамо мурожаат қилди Тоҳиржон. — Ўртада норасида болалар бор, ахир. Тирик етим бўлиб қолишса... Тоҳиржоннинг гапи бўғзида қолди.

— Буёғидан хотиржам бўлаверинглар. Акамнинг сояи давлатида камлик кўрмай катта бўлишяпти. Менга ношуд эр

керак эмас. Болаларимга ҳам бундай отанинг боридан йўғи яхши. Темир-терсак улайман, деб гадойдай эшикма-эшик юргандир. Топганини жигилдонидан орттирмай...

— Синглим, касби-да. Бунинг нимаси ёмон? Худо бекорчидан безор. У ҳам уч-тўрт сўм топсам, болаларимнинг қорига яратай, деб юрган-да.

— Қўйинг, амаки, — аёл бир парда овозини кўтариб, чийиллади: — Оқсоқол ҳам паққос Давронжонлаб, тилидан бол томади. Сизга индамасам, ўша пиёнистани айби йўқ, деб ишонтирмоқчи бўласиз. Гап битта, ундай эр билан бу дунё-у дунё мурса қилмайман. Оқсоқолга гапимни етказиб қўйинг. Яна айтингки, менинг уйим бедарвоза эмас, дуч келган одам келволиб, асабимни эговлайвермасин, тузукми? Эрта-индин суд никоҳимизни бекор қилади. Буни ҳам айтиб қўйинг...

Аёл, сенга бошқа гапим йўқ дегандай, ўгирилганча кетди. Тоҳиржон йўл-йўлакай оила, турмушга тааллуқли мулоҳазаларини ўйлаб келганди. Уларни ичига ютганча изига қайтди.

Орадан бир ой ўтиб, маҳалла тадбирида оқсоқол Тоҳиржонга рўпара бўлганида, бошини сарак-сарак қилганча деди:

— Ҳаёт мураккаб, ука. Мол-дунё ўткинчи. Бутун топган дунёмиз етим қолган боланинг бир томчи кўз ёшига арзирмикан?! Даврон муқим ишга жойлашибди. Суд ўғилни унга қолдириш тўғрисида қарор чиқарибди. Лекин қайсар келин ўғлимни бермайман, деб тихирлик қилаётганмиш.

— Кўниб қолар, — деди Тоҳиржон бироз енгил тортиб.

Маҳалла йиғинида оқсоқолнинг ўзи масала қандай ечим топгани хусусида қисқача ахборот берди. Шу билан Тоҳиржон елкасидаги юкдан холос бўлди.

Нафсиламбирини олганда, у ҳали юкдан тамоман халос бўлмаганди. Одамлар тақдирига, оилага бефарқ қаролмас, табиатан шундай эди. Давронга сўзини ўткази олганига қувонди. Унинг юриш-туришини киши билмас кузатди ҳам. Қурилишда ишлаётгани чин эди. Ҳар куни эрталаб эски-туски кийимларда ишга бормоқда. Афсус... Давроннинг оиласини тиклолмади. Бунга аёлнинг бетизгин тили, ҳеч кимга вафо қилмаган мол-дунё осмонида учиб юргани панд берди.

Тоҳиржон Давроннинг отасини унутиб юборолмади. “Қариган чоғимда боғ қилган эдим, қаровсиз ётибди” деганди. Бир гал якшанбада ўша боққа борди. Кўкламнинг ўйноқи илиқ ҳавоси



димокқа бойчечагу бинафшаларнинг тансиқ исини ҳады этади. Боғда иш қизгин экан. Тўрт-беш жўраси билан Даврон боғ атрофидаги дарахтларга шакл бераётир. Бири кесилган шохларни кесиб, дасталаяпти. Яна бири ариқни ҳафсала билан чопяпти. Яна бири қозон тагига ўгин қалаб, тушлик тарадудини кўрмоқда. Етти-саккиз ёшлардаги болакай эса отасининг изидан қолмайди. У ҳам иш билан машғул, кесилган майда шохчаларни ташиб, болта тутган йигитга етказмоқда.

-- “Эҳтимол, шу болакай Сарбондир”. Кўнглига келган ўйдан Тоҳиржон ёш боладай энтиқди. Пойи пиёда сўраб-сўраб етган манзили шу боғ эди. Ҳоригани бир зумда ҳавога учди. Тоҳиржон изига қайтса, ҳеч нарса демаса ҳам бўларди. Лекин Даврон кутилмаган меҳмон ташрифидан огоҳ бўлиб, ўғлини етаклаганча, Тоҳиржонга пешвоз чиқди:

— Ассалому алайкум, ака! Хуш келибсиз! Қани, ўғлим, икки қўллаб сўрашгин-чи. Бу киши менинг тутинган қадрдон акам бўладилар.

— Ассалом, амаки, — дея болакай уялганча Тоҳиржоннинг кафтига жажжи кафтини қўйди.

— Сарбонжон иш қиладиган йигит бўлиб қолибди-ку! Тоҳиржон Давроннинг кўзларига синчков нигоҳини қадаганча жавоб кутди:

— Ҳа, ака, адолат қарор топди. Ўғлим мени деди. Ўғлим меники бўлиб қолди.

— Сизларни ишдан совутмай. Йўл-йўлакай бир сўрашиб ўтай девдим — ёлғонлади Тоҳиржон. — Иш юзасидан агрономга йўлиқишим зарур эди.

Кексанинг хаёлидек, беқарор баҳор ҳам бир-икки момақалди роғини қалдиратганча ортда қолди. Тоҳиржон ёзда Даврон ота уйидаги қаровсиз биноларини бузиб, янгидан уй-жой қилганидан хабар тоғиб хурсанд бўлди. Энди ота-бола ҳамроҳ. Бири ишга, бири мактабга қатнаётган экан...

\* \* \*

Орадан йиллар ўтди. Тоҳиржон кеч кузақда пахта терими охираб қолганда ишдан таътилга чиқиб, даволаниш учун санаторияга борди. Ҳаёт инсонни кутилмаган тасодифу ҳодисаларга рўпара қилаверар экан. Тоҳиржоннинг ҳамқишлоқ дўсти Солижон анча олдин келиб, ҳордиқ чиқараётганини етти ухлаб тушига кирмаган эди. Икки дўст бағир бериб кўришишар

экан, бу дийдорлашув улар учун жуда тансиқ эди. Оромгоҳнинг баҳаво дилтортар жойларида икковлашиб сайр қилишар, кеч пайтлари бошларини шахмат тахтасидан кўтаришмасди. Шундоққина тоғ ёнбағрида мол ҳайдаб юрган болалар Тоҳиржонга ҳам, Солижонга ҳам ўша, ортга қайтмас болаликни эслатар, ҳар иккиси ҳам энтиқар, лекин бир андиша сабаб гап очишдан тийилишарди. Ниҳоят Солижоннинг сабри тугади шекилли, ёрилди:

— Алимардон, эҳ Алимардон! Мол етаклаб қир-адирга чиққан бола борки, менга Алимардон бўлиб кўринаверади. Ҳув анови болани кўряпсизми, зуваласи пишиқ, пастак бола. Алимардонга қуйиб қўйгандек ўхшайдими?

— Ўхшайди, — дея хаёлга берилганча тасдиқлади Тоҳиржон.

— Икки-уч йилнинг нари-берисида унга рўпара келмадим, — деди Солижон. — Қайсидир олис шаҳарда юрибди дейишади. Қарзлари унут бўлгунча қайтмаса керак-да.

— Афсус, — дея ачинди Тоҳиржон. — Гулдек умрини хазон қилди.

— Қассобхонада ишлаб юрганидан хабарингиз бўлса керак, — суҳбатга ўт қалади яна Солижон. — Кўп ўтмай отнинг калласидай қулф осилди. Ҳафталаб, ойлаб очилмади. Бунни қарангки, бир вақтлар отаси қарзи бадалига етаклаб кетилган новвосни қайтариб олиш илинжида қассобхонадаги бир этак пул билан ихтиёрий ҳолатда қиморбозлар тўдасига қўшилибди. Ярим тунга етмаёқ бир этак пулни қоқиб олиб, яна бўйнига минг-мингларни илиб юборишибди. Хуллас, бояги новвос шу йўсинда тоғанинг пулларини ҳам ямлаб юборибди. Қассобхона билан хайрлашгани етмагандек, туғилиб ўсган уйига ҳам сигмай қолибди. Чунки бўйнидаги қарзни узмоқ керак. Қарз шундай касофатки, унга қатъий муддат белгиланади. Муддатидан ўтдими, қуён болалагандек, қарз туғаверади. Вақтида узолмадими, ботқоққа ботиб хароб бўлади.

— Пул топиш илинжида тижорат қилгани, олис юртларда бўлгани рост. — Тоҳиржон ҳам эшитганларидан сўзлашга чоғланди. — Аммо йигит кишидан омад юз ўгирса, ёмон экан. Олисда қанча юрди, аниқ билмайман. Лекин уйига қуруқ қўл билан кириб келган дейишади. Шундай эса-да, ота-онаси, оиласи, фарзандлари қувонишган. Уйлари тўлади-ю, қувонишмайдими?

— Алимардонга қариндош-уруғлари яна мурувват кўрсатишди. Бекорчидан худо безор, бир ишнинг этагидан тутгани дуруст, деб озиқ-овқат дўконига сотувчи қилиб ишга кўйишди, — суҳбатни давом эттирди Солижон. — Аммо мусофирчилик унинг кўзини очмаган экан. Дўконни туппа-тузук қаҳвахонага айлантирибди. Нафси қонмаган кунларида уйга ароқ кўтариб бориб, ичишдан оранмабди. Бунақа сотувчи кимга керак? Ярим йилдаёқ бўйнига камомад илиб, тафтишчилар дўкондан ковушини тўғрилаб кўйишибди. Камомадни узиш, ҳар галгидек, яна қариндошлар чекига тушибди.

— Ёмон иллатлардан халос бўлолмаган одамга яқин юрсанг, дилингда эҳтиёткорлик пайдо бўларкан, — деди Солижон паришонхотир бўлиб. — Худдики, юқумли касалликдан қочгандай қочаркансан. Иккимиз ҳам ўзимизга бўйсунмайдиган ички бир куч таъсирида қўлига арзимас бир-икки сўм бериб, ундан қочишга уриндик. Ўзимизни ўринсиз маломатдан асраб қолмоқчи бўлдик. Ўшанда пулимиздан кўра, обрўйимиз кўзимизга кўриниб кетди. Болалиқдан бирга катта бўлган, чиллашир, пакана деб айбситсак-да, кўнглига олмайдиган дўстни ўртага олиб, тўғри йўлга соллмадик. Ҳаловатимиз устун келаверди. Жон койитиб, унга хатоларини кўрсатмадик. Олисдан томошабин бўлиб кузатдик, холос.

— Рост, — дея ич-ичидан хайрихоҳлик билдирди Тоҳиржон ҳам. — Унга темирни қизигида босиб, қанот бўлолмадик. Ўшанда сой бўйида бизларни хушламай ҳайдаганида, измига итоат қилиб, индамай ортимизга қайтиб кетдик. Оёқ-қўлини боғлаб бўлса-да, ичидаги оғир дардни сиртига чиқармоғимиз жоиз эди. Дарддан халос бўлгач, биздан хафа бўлмасди. Балки бағир тутиб кетарди, одамовига айланмасди.

— Хом сут эмган бандамиз-да, ошна, — дея қўлини пешонасига тираганча сўз қотди Солижон. — Шоир айтганидек, пешонангда неки бўлса кўрасан, шунга қадар, минг озиб-минг тўласан... Алимардоннинг хотини тишли-тирноқли бўлиб чиқди. Уч фарзандини уйли-жойли қилди. Алимардон ёнида ота мақомида фарзандларига оқ фотиҳа берганидан суйинди. Ҳали-ҳануз эрини папалайди. Яхши кийинтириб, яхши едиrolмас, лекин меҳридан дариф тутмайди...

— Ҳа, дўстим, бир яхшига бир ёмон-да. Ҳамма яхши ёки ҳамма ёмон бўлиб қолса, бу ёруғ дунёнинг мувозанати бузилган, ҳамма ёқ остин-устин бўлиб кетармиди...

Тоҳиржон анча маҳал Солижонинг афсус-надомат билан билдирган мулоҳазаларини хаёлидан қувиб чиқаролмади. Шоҳбекатда қизи кўз олдида юз берган дилхираликдан сўнг Тоҳиржонинг кўнглидан ҳам уни бир жойга муқим ўтқизиб олиб, инсоф кўчасига бошлаш истаги пайдо бўлган, бунга қанча вақт, сабр-тоқат кераклигини ўйлаб, қўл силтаб қўя қолганди. Нега ўшанда ёшлиқдан бирга тўп тепиб катта бўлган Солижонни, Фофурни, Аҳмаджонни, Сатторни бир ерга жам қилиб, жар сари бораётган Алимардонни тутиб қолиш тараддудини кўрмади? Алимардоннинг беандишалик билан айтадиган дашномидан чўчидими? Ахир, у “Менга оталик қилманглар. Чўпчакдек бачкана маслаҳатларингга муҳтож эмасман. Бориб болаларингга айтинглар”, дегувчи эди.

Тоҳиржон виждонига қарши боролмасди. Ўшанда чўчигани ҳам рост. Вақтини қизғангани ҳам, яна турфа маломатлар эшигини ўз қўли билан очишга ройиши бўлмагани ҳам ҳақиқат. Дўст қачон ўзини кўрсатади? Биродари кўққисдан йиқилаётган бўлса, уни суяб қолсами? Буни дилида озгина орияти, эркаклик ҳамияти бўлган бегона ҳам қилиши тайин.

Тоҳиржон бундоқ ўйлаб кўрса, Алимардоннинг ҳаётини ўнглаб юбориш учун айтарли ҳеч нарса қилмаган экан. Қолган ўртоқларини билмайди. Улар билан худда-беҳуда учрашавермайди. Солижон-чи? У ҳам ўзини туюлмаган, сабри етмай, шапалоқ билан сийлаган. Худонинг ўзи қайсидир гуноҳлари учун уриб қўйгани етмаганидек, буниси устига чиқиб тепгандек бўлган.

Тоҳиржон ана шундай хаёллар қуршовида ўзини кечиролмай юрганида ногаҳон бир кун шом пайти хунук хабар қулоғига чалиниб қолди. “Алимардонни машина уриб юборганмиш. Қизил қонига беланиб ётган экан биров уни ҳушсиз ҳолда шифохонага етказибди”.

...Тоҳиржон Алимардонни боши оқ дока билан танғиб ташланган ҳолатда жарроҳлик бўлиmidан топди. Ёнида кўзлари йиғидан қизарган, бир аҳволда ўтирган аёл Тоҳиржонни кўриши билан дик этиб ўрнидан турди. Салом бериб, ортига чекинди.

Тоҳиржон шундагина Алимардон устида айтилган гап-сўзлар саёз, бачкана, тўғрироғи, ғийбатга ўхшаб кетганлигини, инсон умри қалқиб турган сувдек омонатлигини юрак-юракдан ҳис этди. Кўзларидан ёш сирқиллаб чиқди. Ўша-ўша чўяндек қора, миқти, ҳолсиз бармоқларни кафти орасига олганча кўзларига

суртди. “Алимардон, дўстим, оқибатсиз жўрангни кечир. Бу кўргулик ҳам пешонангда бор экан-да,” — оҳиста пичирлади. Бу пайт сал нарида турган хотин ҳам йиғлар, ҳаёт билан ўлим ўртасида муаллақ ётган Алимардонгина ғайритабийй сукунат оғушида тинч, беҳуш ётар эди.

Тоҳиржон ўзини қўлга олиб ўрнидан қўзғаларкан, аёлга далда берган бўлди:

— Келин, Алимардон мард, иродаси мустаҳкам йигит, мени айтди дейсиз, ҳализамон тузалиб кетади.

— Илоё, айтганингиз келсин. Энди бор умидимиз худодан.

Тоҳиржон Алимардоннинг болиши остига қоғозга ўроқлик пул қўяр экан:

— Дори-дармонга асқотиб қолар, — деди. — Мен эртага ҳам бош суқиб ўтаман. Хўп, хайр.

Маҳзун ҳолда шифохонадан узоқлашаркан, Алимардонга дил-дилдан умр тилади, яқинларига сабр-қаноат сўради.

Ҳар неки яратганнинг измида экан. Алимардонда ҳаёт аломатлари кўрина бошлади. Тоҳиржон учинчи кун борганида жўрасининг кўзларини очиқ ҳолда кўрди. Алимардон ўз аҳволидан беҳабардек, жўрасини кўргач, қўзғалмоқчи бўлди. Кучли оғриқдан ҳушидан айрилаёзди. Инграб юборди. Ҳар кундагидек, келин шошиб жой бўшатди. Тоҳиржон шодумон қиёфада индамай Алимардоннинг кўмирдек қора кафтларини кафтига олди.

— Сен ўша-ўша иродалисан, Алимардон. Оғриқни енгишингга ишонардим. Хайрият, хатар ортда қолди.

— Ҳа, дўстим, энди ўлмайман. Ўзимга келгунимча, бутун борлиқ неча бор чархпалак бўлиб айланганини кузатдим. Қизғалдоқларга бурканган, ўша болалигимиз кечган қир-адирлар кўзимга кўринди. Оёқ-қўлим бутунмиш. Сенлар билан бирга ётиб олиб, осмон гумбазига тикилганча, чок-чокидан сўкилиб бораётган оқ булутларга тикилармишман. Кейин-кейин кучли оғриқни сездим. Тоҳир, ҳаёт нақадар ширин экан. Бесамар, елдек учган умримга энди ўкиняпман. Қанча бегуноҳ одамларга озор етказдим. Сенга ҳам, Солижонга ҳам... Тагинам йўқлаб турганларингга раҳмат. Худо хоҳласа, тузалиб, оёққа турсам, ўша сизлар билган болалиқдаги Алимардонга айланаман. Ҳа, ишон дўстим, ҳаётимни тубдан ўзгартираман.

Алимардоннинг дарддан синиқиб кетган юзларида икки томчи ёш кўринди. Бу кутилмаган фалокат сабаб унинг руҳияти

покланиб улгурган, бу тавба-тазаррулар юмшаб қолган юрагининг нидоси эди.

Тоҳиржон ҳаётида илк бора қалби лиммо-лим ифтихорга тўлди. Ҳаттоки, умри қисқа нимжон майсалар бир-бирига суяниб яшаганидек, олий мавжудот — одам боласи ҳам суянчиққа қанчалар муҳтож эканлигин юрак-юрақдан туйди...

\* \* \*

Тоҳиржон Давроннинг ихчамгина никоҳ тўйида иштирок этганидан сўнг орадан анча вақт ўтиб ҳам учрашмаган эди. Чилангарлик касбини маҳкам тутиб тез орада корхона жамоаси ўртасида эътибор қозонганини, кейин етакчиликка сайланганини орқаваротдан эшитди. Кейинги хотини унга қиз ҳадя этганини, бир фарзанди иккита бўлганини айтиб, Давроннинг кўшниси Аҳмаджон суюнчилади.

Бу орада Алимардон тузалиб уйига қайтди. Кўп ўтмай муқим иш этагидан тутди. Ўғлининг номига ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этди. Унга Аҳмаджонлар, Солижонлар тиргак бўлдилар. Хўжаликка алпқомат, хушсурат, оқ-сарикдан келган ўғли Адҳамжон иш юритувчи бўлди...

Йиллар қанча ғамгину шодумон кунларни тарих хат варақларига битганча, ортда қолди. Шиддаткор ҳаётнинг паст-баланд сўқмоқларида қоқилиб, сўнг ўзини ўнглашга чоғлаганлар уммонига кўшилган Алимардон, Давронларнинг замони бошланди.

\* \* \*

Тоҳиржон бир оқшом газета варақлаб ўтириб, қувонганидан яшавор, ука, деб юборди. Ошхонада куймаланиб юрган Нафиса чўчиб тушди:

- Нима гап, дадаси? Лотореянгизга ютуқ чиқдимми?
- Ютуқ деганинг нимаси? Мукофот, дегин.
- Сизгами?

Нафиса қўлидаги чойнакни ташлаб юборишига бир баҳя қолди.

- Нима фарқи бор? Даврон олибди-ку!
- Тавба, — Нафиса кўкрагига туфлади. — Одамни нақ жинни қиласиз-а? Олган бирову, ёш боладай қувонганингизни қаранг...
- Даврон биров эмас, менга. Тутинган укам. Камтарин меҳнати давлат мукофотига сазовор бўлади-ю, қувонмайманми? Яшавор ука.

— Ҳа, майли, — дея ён берди Нафиса. — Кувонаверинг. Боягина маҳалла оқсоқоли кўнғироқ қилганди. Эртага соат учда йиғинларингиз бор экан. Эсимда борида айтиб қўяй, ҳа-я, сал бўлмаса капалагимни учираёздингиз.

Эртаси куни айтилган вақтда маҳалла кўмитаси идорасига кираётиб, Тоҳиржоннинг кўзи йўлақда кўлидаги боласи билан йиғлаётган аёлга тушди. У танишдек туйилди. Аёл ёнидагиларга эзилиб, гап уқтирарди. Тоҳиржон одатдаги можаролардан бири бўлса керак, деган ўй билан ичкарилади.

Йиғин провардида оқсоқол сўраб қолди:

— Маҳалламиздан икки боласи бор бир аёлга бошпана керак. Иложи борича, тезроқ. Бўлмаса...

— Ота-онаси борми?

— Йўқ, — деди оқсоқол маънос тортиб. — Акаси қамалгач, мол-мулки мусодара бўпти. Сингил уй-жойсиз қолган. Ўз ота уйига қизни кўйишмаяпти.

— Аканинг хотини-я?

— Ҳа.

Хонага оғир сукунат чўқди. Бирор кимсадан нидо чиқмасди. Ҳамманинг нигоҳида ёш боласи билан кўчада қолган аёлга ачиниш, ўз қайинсинглисини бағрига олмаган келинга нафрат ҳисси зоҳир эди.

Маҳалла фаолларидан бирининг овози ўтирганларнинг хаёлини бўлди:

— Бизда вақтинчалик бошпана топилади. Лекин аввал бу аёлнинг эри билан бафуржа гаплашсак, девдим. Шунда ўринсиз маломатлар урчимас эди.

— Иккинчи эри билан ҳам муросаси бўлмаган. Фарзанд тугилмасданоқ ажрашишган. У икки тирик етимнинг онаси...

Дафъатан Тоҳиржон кўз ўнгида йўлақда йиғлаётган аёлнинг семизгина, аммо синиққан қиёфаси гавдаланди. Уни яна қаерладир кўргандек бўлди-ю, эслолмади. Яна хаёл устун келди. “Ҳали ўттизга ҳам кирмаёқ, аёвсиз тақдир зарбаларидан обдон толиққан бу аёлнинг гуноҳи нима экан? Онасининг тор қорнига сиққан, кенг ҳовлисига нега сиғмай қолди? Бир қориндан талашиб тушган ака-сингилни айро кўриб, ота уйи эшигидан киритмаган янганинг юрагида қандай гина-адоватлар бор экан!”

Кўчада қолган аёл кўриниш бергандагина Тоҳиржоннинг тизгинсиз хаёллари баҳор шамолидай тўзғиди. Боягидан баттар танг аҳволда қолди.

“Мукаррам!” У бу хитобни ичида айтдим, сиртига чиқариб юбордим, билолмади. Ўртада бўлаётган гап-сўзларни энди эшитмади. Рўпарасида ёш бола кўтарганча бош эгиб, бир вақтлар бой акасининг сояи давлати эпкинисида ҳаволаниб, оёғи ердан узилган, эркак зотиға кўчани рўпара қила-қила алал-оқибат ўзи кўчада қолган Мукаррам тош қотганча турарди...

\* \* \*

Тоҳиржон кузнинг майин эпкинисида шаҳар кўчаларидан юриб бораркан, осмонда баландлаб ўтаётган турналарнинг юракка яқин овозидан хушёр тортди. Бу сафар бу беозор қушлар карвони ёй шаклида эмас, ҳеч бировини ортда қолдирмай, яхлит доира бўлиб ўтиб борарди...

1998 йил.



## Ҳикоялар

### ПАРИШОНХОТИРЛИК

Толибжон табиатан қувноқ, кўнглида заррача ғубори йўқ йигит. Аммо паришонхотирроқ. Унинг бу қусури кимнидир мушкулотлар дарёсига гарқ этса, кимларгадир Эркин Воҳидовнинг “Матмуса” сини эслатади, ичақузди латифаларга хамиртуруш вазифасини ўтайди.

\* \* \*

Эрталаб ишга отланаётган Толибжонга отаси Ҳайдар ака тайинлади:

— Ўғлим, мана калит. Онангни тиш докторига олиб бор. Туни билан мижжа қоқмади, жағини ушлаб чиқди.

— Майли, деди Толибжон астойдил ачиниб. — Нонуштани биз билан қилмаганларига ҳайрон бўлаётувдим. Айтай, кийиниб олсинлар.

— Сен машинани гараждан чиқаравер, саҳармардондан тайёрланиб олган.

Толибжон гараж томон юрди. Анчадан буён минилмаган уловнинг у ёқ бу ёғини артган бўлди. Моторни ўт олдириб, гараждан катта йўл ёқасига чиқарди.

Шу пайт ясан-тусан қилиб олган хотини Замира ёнида пайдо бўлди:

— Адажониси, бугун бизга машина тегиб қолдими, ишга бирга кетар эканмиз-да.

— Ҳа-да, — Толибжон такаллуф кўрсатиб “Волга”нинг орқа эшигини очди. Замира ноз-карашма билан ўриндиққа жойлашиб олгач, буюрди:

— Ҳайданг дадажониси, ишга кеч қолмайлик.

— Мана ҳозир-да, — Толибжон уловни жойидан кўзғатди.

Кўз очиб юмгунча ишхонага етишди. Замира соатга қараса, ҳали вақтли экан. Эрига ялинганнамо сўз қотди:

— Адажониси, ҳали ишхонамиз очилмабди-ку, кўчада турамизми? Бирров дадамни кўриб келсак-чи. Озроқ мазалари йўқ, деб эшитгандим.

Жиловдор гап-сўзсиз “от”ни қайнотаси уйи томон бурди. Куёвни пайғамбарлар сийлашган. Қайнота уйида дарҳол

дастурхон бошқатдан солиниб, ноз-неъматлар кўйилди. Бир пиёла чой устида ота куёвдан ҳол-аҳвол, сўнг қудаларимиз соғомон юришибдими? — сўради.

Толибжон ҳа, деб бош ирғади-ю, отаси машина калитини не вайдан берганини эслай олмади. Бир фурсат гурунган сўнг йўлга отланишди. Замира йўлда тушиб қолди. Толибжон эса машинани бино чеккасида қолдириб, идорада хотиржам ишини давом эттирди. Шу алпозда ходимлардан бири хонага кираётиб, Толибжонга юзланди:

— Сизни отангиз йўқлаяптилар.

Толибжон бехосдан ток урган одамдек сапчиб туриб кўчага отилди. Шундагина онасини тиш докторига олиб келиши ёдига тушди. Йўлакда дарғазаб қиёфадаги отаси, энгагини боғлаб олган онаси нақ 3 чақирим йўлни пиёдалаб келганларидан ҳарсиллаб туришарди.

## ТҲЙГАМИ, БИЗ ОЛИБ БОРАМИЗ-ДА

Толибжон саҳармардонда велосипедда наҳорги ошга отланди. Катта йўлдан ортидан етиб келган “Дамас” даги меҳмонлардан бири йўл сўради:

— Кечирасиз, ука, Соҳибжоннинг ҳовлисига қайси кўчадан кирилади?

— Тўйга келяпсизларми? Мен ҳам ўша хонадонга кетяпман, — деди Толибжон. — Мана бу зорманда бўлмаганида, сизлар билан бирга кетар эканман.

— Унда велосипедни бирорга таниш ҳовлида қолдирсангиз-чи.

— Ҳа, рост. Сал юриб сўлдаги кўчага кирсак, опамникида қолдирардим. Кейин сизлар билан бемалол ошхўрлик қилардик.

Меҳмонлар тескари кўчага ярим чақирим киришгач, тўхташди. Толибжон опасиникига кириб чиққунича кутадиган бўлишди.

Опаси офилхона йўлагига сигир соғаётган экан. Ҳол-аҳвол сўради. Велосипедни шу ерда қолдирмоқчи эканлигини айтди. Дарвозага йўналганида кўшни хотинга рўпара келди:

— Вой сенмидинг, Толибжон. Яхшимисан, онанг тузукми? Сени менга худо етказди. Уйда кичик неварамдан бўлак ҳеч ким йўқ. Бузоқча арқондан бўшалиб, неварамга бўй бермаяпти. Ушлаб бирорта жойга боғлаб берсанг-чи, ўғлим.

— Вой хола, ҳечам ташвиш тортманг, укам бузоқчани боғлаб беради, — деб ишонтирди хайрхоҳлик билан опаси соғишдан қўли бўшамай.

Толибжон ноилож қўшни ҳовлига чиқди. Бузоқча қурғур анчадан буён бир жойда боғлоқ турганидан зериккан шекилли, бегона эркакка ҳадеганда арқонини ушлатмай, ҳар томонга қараб қоча бошлади. Сўнг ҳовлидан кўчага чиқиб олгач, канал ёқалаб шаталоқ отиб кетди. Толибжон югура-югура бир амаллаб бузоқчанинг арқонидан тутиб олди. Рўпарадан келаётган узун бўйли бир йигитчага:

— Ука, шу молни ҳув анави канал ёқасида турган аёлнинг ҳовлисига киритиб боғлаб бергин, — илтимос қилди ҳансираганча. Йигитча индамай молни олдига солиб ҳайдаб кетди.

Толибжон қўлларини каналнинг муздек сувига ювиб олгач, қирғоқда бир фурсат чарчоғини ёзиб ўтирди. Шу яқин орада кўшиқ эшитиларди. Ҳа, айтгандай, мен наҳор ошига бормоқчи эдим. Бузоқни қува-қува тўйхонага яқинлашиб қолибман шекилли. Сал юрсам тўй бўлаётган хонадонга етар эканман.

У шашт билан тўйхона томон юрди. Етиб боргач, тўйбоши билан йўлакда бояги меҳмонларга рўпара келди. Улар бир йигитдан йўл сўраб тоза афанди бўлишганини кула-кула айтиб бераётган эдилар...

## ҚОРДАГИ ЛОЛА

Солижон оёқда туриб толиқди. Шинам бекатнинг ўриндиқлари йўловчилар билан тўлган, бўш жой йўқ. Майдалаб ёғаётган қор йириклашди, ҳаммаёқни оқликка буркади. Қишнинг сўнгги ойидаги қор йўловчиларнинг қулфи дилини очиб юборганди.

— Бу қут-барака, ернинг малҳами, — деди кексароқ йўловчилардан бири хузурланиб.

— Нимасини айтасиз, энди буғдой майсалари осмонга бир қулоч сапчийди, — дея сур телпакли киши завқ билан елкасини учирди.

— Тўғрику-я, — дудмалланди яна бир кексароқ йўловчи, — болалардан холи, ўзимизга, деб қурган бошпананинг устини ёпишда қўл калталиқ қилиб, ингичкароқ тўсин ташлаган эдим. Шу ёғишда ёғаверса, ёғоч дош беролмасов, деб кўрқяпман.

Шу аснода чайқалиб-чайқалиб автобус келиб қолди-ю суҳбат бўлинди. Ҳамма чиқиб олишга шошилди. Ҳар гал ўриндиқлар тўлмасди. Бу гал қасдлашгандай йўловчилар гавжум. Солижон

бир амаллаб юқорига чиқиб олди. Борадиган жойи узоқ эмас. Нар и борса йигирма чақирим.

Йўлда қор тўпланиб, сирпанчиқ бўла бошлаганидан автобус тошбақадек имиллайди. Чорак соатлик масофага бир соат деганда етказди. Солижон тиқилинчда сурила-сурила базўр тушиб қолди. Тезгина юриб манзилга етди. Иссиққина идорада бирпас тин олиб ўтиргач, бояги йўл азобидан орттирган чарчоғини унутди. Сухбат узайиб, идорада яна бирор соатча бўлди. Ишни битказиб кўчага чиққанида эрталабки ёғин ҳам баҳаннов экан, энди қор галвирлаб эмас, кураклаб ташлаётгандек заптига олиб ёғарди. Ўн беш одим нарини илғаб бўлмайди. Ҳаммаёқ оппоқ.

Солижон боягида тушиб қолган бекати томон юриди. Катта йўл чеккасидаги пиёдалар учун мўлжалланган йўлакка деярли из тушмаганди. У қор кечиб манзилга етиб олгунича жиққа терга ботди. Бундоқ разм солса, бекат деганнинг бошпанаси йўқ экан. Очиқ яланг жойда тик турганча уловни кутишга мажбур. Аксига олиб йўловчилар ҳам йўқ ҳисоб. Тинмай бориб-келиб турадиган таксичиларнинг ҳам қораси кўринмайди. Онда-сонда битта-яримта машина ичи тўла одам билан тетапоя бўлиб юра бошлаган болакайдай имиллаб у ёқ бу ёққа ўтиб қолади. Ҳар ярим соатда қатнайидиган автобусдан эса дарак йўқ.

Шу зайлда Солижон бекатда узоқ турди. Бу орада икки бор телпагидаги, елкаларидаги қорни туширган бўлди. Қишлик этигини кўма бошлаган қорнинг сим-сим совуғи товонидан ўта бошлади. Шунда унинг кўнглида тушқун бир ҳолат пайдо бўлди. “Наҳот йигирма чақирим наридаги уйимга етиб ололмасам, дуч келган машинани ёлласам-чи? Кўнармикан? Шу ҳавода ким ҳаётини хатарга кўйиб қишлоққа боради? Шундай ҳолатда қоққан қозикдек, бир жойда яна қанча турарканман? Биров кўриқчимисан, қорда нима қилиб турибсан, — демаса-я? Ажаб, одамлар нега шунчалик лоқайд, ёки танимаганни сийламас деганлари шудир-да! Шу алфозда Солижонга одамларда гўё меҳроқибат, инсонгарчилик туйғулари тақчиллашиб қолгандек туйилди.

Чўнтагидан кўлини чиқармай, бор сармойясини чамалади. Анча экан. Бир мард таксичи йўлиқса бас, қишлоққа етказса қайтиш пулини ҳам раҳмат айтиб тутқазворса бўларкан.

Йўловчининг ичида умид ўрмалади. Дуч келган енгил машинани тўхтатмоқчи бўлди. Ҳайдовчилар қани қиё боқишса. Қор одамга рўпара келиб қолгандек юзларини четга буришади. Шу пайт оқ рангли “Тико” йўл чеккасига чиқиб тўхтади.

Солижон илдам одимлади. Ўғли тенги йигитча шошиб артгични кўтаргач, ойнани тозалашга тушди.

– Ўғлим, мободо мени Равотакка ташлаб келолмайсизми, қайтиш ҳақини ҳам тўлардим? – деб ялинди у совқотганидан овози қалтираб.

Йигитча чиндан ҳам дийдираб турган йўловчига бошдан-оёқ разм солди, астойдил ачинган бўлиб, ўз аҳволидан сўз очди:

– Узр-да, амаки. Бундай ҳавода машина минганимга пушаймон бўлиб турибман. Уч чақирим наридаги уйга етиб олиш, ота-онамни хавотирдан халос этиш... у ёғини сўраманг...

Солижон баттар эзилиб, ортига қайтди. Қор бўронида тўйтепалик танишларини бир-бир кўз олдидан ўтказди. “Ҳамид, Толиб, Баҳодир... Улар ҳозир ишдамикан? Мени кутиб қайси бирларининг кўзи учиб турибди экан?”

– Амаки, сиз Равотакка борасизми? – аёл кишининг кўнғироқдек овозидан Солижон дафъатан ҳушёр торгди. Бурилиб товуш келган томонга ўгирилди. Қўлида бетонча тутган хушрўйгина, юзи лоладек ол ранг, кўзлари чақноқ аёл савол назари билан унга боқиб турарди.

– Ҳа, – бошини зўрға сарак-сарак қилди Солижон.

– Мана шугинамга қараб турунг. Қолган юкни ҳам опкелақолай.

Аёл изини кутмай, бидончани қор устига қўйганча чопқиллаб кетди. Зум ўтмай бир ўспирин ҳамроҳлигида 36 килолик флягани етказиб келди.

– Амаки, анча турган кўринасиз. Ҳализамон автобусимиз кепқолади.

– Келармикан, ишқилиб... ишончсизлик билан минғиллади Солижон. Лекин шу аснода у қалтис об-ҳавода оила, рўзғор деб идишларда ёғ ортмоқлаб юрган аёлнинг қатъияти олдида эркак киши бўла туриб ўзининг қанчалар ожиз эканлигидан уялиб кетди. Қорни ёриб чиққан лоладек кўркам аёлнинг қизилга мойил ёниқ чехрасига разм солди. Кулиб турган тийрак, чиройли кўзларида ҳаётга беқиёс муҳаббатни, ўзи қилаётган олижаноб юмушидан қониқишни баралла кўрди. Аёл нечундир ички бир қувонч билан ҳануз паға-паға ёғаётган қорни қўлқопли қўллари билан эзғилар, бу буғдойнинг озиғи-ку, худо хоҳласа омборимизни ғаллага тўлдириб оламиз, – дея ўзи билан ўзи гаплашарди.

— Амаки, ҳайрон бўляпсизми? — яна қувноқлик билан ҳамроҳига ўгирилиб сўз қотди аёл. — Ҳалол меҳнат қилган фермернинг пичоғи мой устида-да. Ўтган йилги пахтадан чиққан чигитнинг мойини олиб келяпман. Алимкентдан шу ергача зумда етказиб келдим. Буёғи энди бир қадам. Автобусга чиқиб олсак, уйдамыз-да.

Аёлнинг қатъияти, боз устига қайсидир идорадан илон оғзидан заҳар олгандек ўз ҳақини ундириб қолибона кайфиятда келаётгани, унда тушқунликдан кўра мардона жасорат устиворлиги Солижонни ўзига келтирган бўлса-да, бояғи ўринсиз ҳадикни ҳануз миясидан қуволмай ҳалак.

Ниҳоят, узоқ кутилган автобус кўриниш берди. Тиқилинч уловга чиқиб олган Солижон фермер аёл юқларини юқхонага жойлашга улгурганини кўргач, енгил нафас олди...

## КЎРИНМАС ДЕВОР

Ботирали қўшни қишлоққа тушган опасининг ўғли Валижоннинг рўзгорини бўлак қилиб, анча вақтдан буён тижорат билан шуғулланиб юрганини биларди-ю, яқин орада машинасини алмаштирганидан хабари йўқ эди. Хотини кўчадан гап топиб келди:

— Ҳой дадаси, эшитдингизми, Валижон бу гал “катталар” юрадиган машина сотиб олибди. Бирров йўқлаб қўйсангиз, кўнгли тоғдек кўтариларди. Муборак бўлсин дегувчилар эшик турмини бузаяпти экан. Сиз тоға бўлиб бормасангиз...

Ботиралига хотинининг гапи маъқул бўлди. Йўқлаб, уловинг яхши кунларга ярасин, деб қўйса асакаси кетадими?

Саҳармардонда эски уловини миниб, қишлоққа отланди. Хотини жиянингизга, деб битта банорас тўн билан қўйлакни белбоққа тугиб чиқди. Ўзи йўл-йўлакай иссиқ обинон ёнига қўшиб ширинлик харид қилди.

“Валижон, тижорат билан шуғулланиб, ҳарқалай, кам бўлмаёпти. Аввал уй-жойини сирланган сандиқдай безади. Мана энди машинасини янгилаб олибди. Уддабурон чиқди...”

Хаёл билан бўлиб, Ботирали жиянининг дарвозасига етганини билмай қолди. Эски темир дарвоза янгисига алмаштирилибди. Ботирали рангдор бўёқ билан бўялган дарвоза чеккасидаги тугмачани қониқиш билан босди.

Ичкаридан ҳадеганда товуш бўлавермагач, Ботирали хижолат бўлди: “Бафуржа нонушта қилиб келсам ҳам бўларкан. Эрта келдим чоғи. Ёки уйда ҳеч ким йўқмикан?”

Яна устма-уст қўнғироқ жиринглади. Бу гал аёл кишининг норози оҳангдаги овози эшитилди:

— Ҳозир, кетяпма-ан...

Дарвозага ёндош кичик эшик очилганида Ботирали келинини дарровда танимади. Узун сочлари кесилган, устига-устак бўялганидан жингалак ҳолида ҳурпайиб турарди.

— Ия, сизмидингиз, тоға?

Келин хушламайгина ичкарига бошлади.

Ботиралининг кўзи зулукдай қора машинага тушгач, хурсанд бўлди.

— Улов муборак бўлсин, келин, — деди хурсандчилигини яширолмай. — Қани, Валижонни чақиринг, бир дийдорлашайлик. Бу турмуш юмушларидан ортиб, борди-келдини ҳам унутаёздик.

— Қандоқ бўларкин, тоға, ўзлари яқиндагина ётган эдилар. Туну кун қутлуғ бўлсин дегувчиларнинг оёғи узилмай, роса толиқдилар-да. Мана бу ўриндиқда ўтира туринг-чи.

Келин шундай деб, истар-истамай ётоқхонага йўналди.

— Ундай бўлса уйғотманг, келин. Шаҳарга тушганида кўришиб қолармиз. Йўқлаганимни айтиб қўйсангиз бас. Мен қайтай бўлмаса.

— Дарров-а. Шунча йўл босиб келибсиз, бирров айтиб кўрай-чи.

Ботирали шу тобда ўзини ночордек ҳис этди. Ўзи билан жияни ўртасида оз фурсатда кўзга кўринмас девор пайдо бўлганини, унинг бир томонида ночор ҳаёт кечираётган тоғаю, бир томонида молу давлат эпкинидан энтикиб, йўқловчилардан зада бўлган жиян турганлигини ҳис этди.

“Келин тушмагур, айвондаги тайёр кўрпачага ҳам лоақал таклиф этмади-я. Наҳотки, мол-дунё одамни шунчалик ўзгартириб юборса... Ҳализамон жияним уйдан чиқса, тоғам нега йўлакда ўтирибди, деб хотинини узиб олса, ажабмас. Нима бўлганда ҳам келин келин экан-да. Жияним Валижон бошқача”.

Ичкаридан ювиқсиз тумтайиб чиққан Валижон тоғасига қайрилиб ҳам қарамади. Жўмракдаги оқиб турган сувда аввал шошилмай ювинди, кейин артинди. Сўнг индамай ичкарига йўналди. Ҳаял ўтмай, пўрим бўлиб кийиниб чиқди. Йўлакда шумшайиб ўтирган Ботиралига кўзи тушгач, ясама жилмайиб деди:

– Э, тоғашка, бормисизлар ўзи. Ер юзида ўрмалаб юрибсизларми?

Қучоқ очган Ботиралининг қўллари шалвираб тушди. Валижон қўлини омонат узатди. Сўнг деди:

– Шошилиб турувдим, тоға! Бошқа келсангиз, бафуржа бир отамлашамиз. Ҳозирча, узр.

– Уловинг муборак бўлсин, деб келиб эдим. Ортиқ юмушим йўқ. Мана бу оз булса ҳам, кўп деб қабул қиласан-да.

Ботирали ёнида белбоққа тугилган тўн билан кўйлакка ишора қилди.

Валижон тугунга қараб кинояли кулди:

– Э тоға, латта-путта кўтариб юришдан ҳеч чарчамадингиз-да. Раз йўқлаб келибсиз, “кўки”дан олиб келмайсизми? Шуям йўқлов бўлдимми?

– “Кўки” деганинг нимаси, жиян. Ахир, кўк азада кийилади. Яхши кунларда кийгин деб банорас тўн ва оқ кўйлак олиб келдим. Мана бу ширинликлар жужуқларга.

Дарвозани очаётган келин шарақлаб кулиб, эрининг пичингига изоҳ берди:

– Оббо, соддагина тоғам-ей, ким сизни шаҳар кўрган дейди. Жиянингиз доллардан йўқлов қилмайсизми, деб ўпкалаяптилар. Ҳозир тўн, кўйлаклар моладан қолган-ку!

Тоға ташқарида тугунни кўтарганча қотиб турар, қуёш ёғдусида алвон рангда жилоланаётган дарвоза аллақачон ёпилган, ҳалигина тасавурида пайдо бўлган қўл етмас, кўзга илинмас девор ортидаги жияни зулукдай тим қора машинасини елдириб кетган эди...

## АРҚОН УЗИШ

Бир даврада суҳбат айланиб урф-одатларимизга бориб етганида ёши олтмишлар атрофидаги, оқсарикдан келган Ваққос ака мендан сўраб қолди:

– Ука, мабодо арқон узиш удуми ҳақида эшитганмисиз?

– Йўқ, – деб хижолатда елка қисдим.

– Буни эшитмаганингиз дуруст, – дея сўлиш олди у.

– Арқон узиш дегани нима экан, эштайлик, – давра тўрида ёнбошлаб олган Акбар ака болишдан қаддини кўтариб қизикди.

Ваққос ака тили остидаги носни чорпоядан анча нарига



пуфлаб юборди-да, пиёладаги чойда оғзини чайди. Елкасидаги чит дурра билан иягини артди.

— Бу воқеага анча йил бўлди, — деб вазмин гап бошлади. — Ўшанда навқирон пайтим экан-да. Уззукун идоранинг юк машинасини физ-гизон қилиб ҳайдайман. Чарчаш нималигини билмайман. Алининг қувватини берганми сенга, қуш тинса тинади, сен тинмайсан, деб отам ачинганидан ортимдан нолиб қолади.

Кун бўйи давлат юкини у ёқдан бу ёққа ташийман, шаҳар бозорларига учаман. Улоқ озроқ таъмирталаб-да, кечаси созлаб келай, деб диспетчернинг атрофида гиргиттон бўламан. У охири безор бўлганидан бор-а, деб юборади. Бошлиқлар кўзидан панароқда юр, ушлаб олишса, ўзинг жавобини қиласан, деб тайинлайди.

Бир куни ишхонадан эрта қайтдим. Ёз, айна пишиқчилик. Амирқул полизчининг кенжаси от чоптириб келиб қолди.

— Шопир ака, тунда тарвuzимизни бозорга элтиб бераркансиз. Отам тайинлади. Жавобингизни ҳозир нақд қилиб айтаркансиз, — қистовга олди от жilовини тортганча.

— Оббо, — дедим ансам қотиб, — бу темир бўлса, нақдига бало борми. Тарвuz узилганми ўзи? — сўрадим.

— Жавобингизга қараб-да, ака. Аниқ вақтини айтсангиз, бир жойга тўплаб қўярканмиз.

— Тун оққанда бораман, — дедим беш-олти соат ҳордиқ чиқариб олишни мўлжаллаб.

Хабарчи отига қамчи босганча кетди.

Ётоқда муздек яхна кўк чойдан сипқариб диванга чўзилдим. Кўзим илинибди. Биров дарвозани қоқаётгани товушидан уйғониб кетдим. Чиқсам, нотаниш бир йигит турибди. Салом-алиқдан сўнг мулозаматни жойига қўйиб муддаосини айтди:

— Узр-да, дам олаётган экансиз, безовта қилдим, ака. Икки соатлик хизмат бор эди. Қўшни қишлоқдан шаҳардаги уйимизга кўчиб келмоқчи эдик. Қанча сўрасангиз бераман. Хоҳласангиз икки ҳисса қилиб олинг. Кўч-қўронни йўлакка чиқариб қўйганмиз. Йўқ деманг, ака, шу тунда қишлоқда тунасам хотиним талоқ бўлсин, деб қасам ичиб қўйганман.

Гапнинг рости, ҳаммамиз ҳам оила-рўзғор, бола-чақа, деб ҳаловат билмай юрамиз. Норғул бир йигит “Оғзингизга сиққанича айтинг, бераман”, — деб йўлагингда пойи-патак бўлиб ялиниб турса, йўқ деёлмас экансан.

— Орт-тушир машмашаси икки соатдан ошмаса бораман, — дедим қўлини кўксидан олмай тавалло қилаётган мижозга боқиб.

– Ошмайди, мен кафил, йигит кишининг сўзи битта бўлади.  
– У иши бароридан келаётганидан қувониб, қатъий ишонтирди.

Уйдагиларга кўк чойни яхна қилиб қўйишни тайинлаб, машинани ўт олдирдим. Йўл-йўлакай кабинадаги мижозимни зимдан кузатдим. Жуссаси йўғон йигитнинг сўлинқираган юз-кўзларида аллақандай дарднинг қўланкаси қоғиб қолган, бир қарашда у бировга илтифот кўрсатадиганга ўхшамасди. Гаплашишга ҳам ҳуши йўқ, ташқарига лоқайд боқар, афтидан, ўзи билан ўзи олишиб борарди.

– Боягинда қасам ичганман, дедингиз, талоқни тилга олибсиз. Бу жуда қалтис иш-ку, ука, – ҳамроҳимнинг кўнглига қўл солиб кўрмоқчи бўлдим.

– Ҳа, энди ака, – у дардини дастурхон қилишга ори келдими, кўлини силтади-қўйди. Яна мум тишлагандек соқов бўлиб олди.

– Ота-онангиз ҳаётми? – яна сўроққа тутдим.

– Ҳаёт бўлишса, бу машмашалар тушимга ҳам кирмасди. Бирга туғилмоқ бор экан-у, бирга яшамоқ йўқ экан. Олти ака-ука сиққан битта ҳовлига бугун бировимиз сиғмай турибмиз.

– Шаҳарда уйингиз бор экан. Кўч-кўронни эртароқ кўтармабсиз-да, – суҳбатга яна ўт қаладим.

– Ғофил бандамиз-да ака, бу кўргуликлар бошда турган экан, ундан қочиб кетиб бўлармиди? Вақти-соати бугун экан-да.

– Афтидан, мол-дунё талашиб-тортишадиган, бетгачопар йигитга ўхшамасиз. Овсинлар ўртасида арзимаган низо чиққан бўлса, бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдираётган бўлманг тагин...

Ҳамроҳим гўёки чўғ босиб олгандек, қўққисдан мен томон ўгирилди. Кўзларини катта очиб тикилди.

– Ёпирай, Хизр эмасмисиз? – овозида ўктамлик намоён бўлди. – Билсангиз, акам – жони-танзим. Уни яхши кўраман. Эрталабки ноҳўя гапимни кўтаролмади. Юзимга шапалоқ тортиб юборди. Ёнимдан бир қадам жилмайсан, деди. Мен эсам, кетаман деб туриб олдим. Кетмайсан, деб яна урди. Азборойи худо, урганидан сираям хафа эмасман. Билсангиз, жуфт қанот бўлиб яшашга чорлаб урди. Қишлоқдаги ўринсиз гап-сўзлардан эгилишини ўйлаб урди.

– Ака – ота ўрнида ота, уради-сўкади-да. Шунинг учун, ака. Бунни юракка яқин олиш ноўрин, – юпатган бўлдим мижозимни.

– Ҳамма можаро хотинлардан чиқди, мен сизга айтсам, ака. Ўз хотинимни фаришта демайман. У ҳам ўзига етганча

шаллақи. Нима бўлганда ҳам, келинойимнинг ёши улуғ эди. Болалар ўртасига тушиб кўч-кўронингни кўтар, деб икки гапнинг бирида қўлини бигиз қилганча кўчани кўрсатмаса бўларди. Эрталабкиси ошиб тушди. Хотиним тандирдан нон узаётган экан. Ўзимизникилар қатори акамнинг болаларига ҳам битта иссиқ нонни бурдалаб берибди. Болаларда гина-қудрат нима қилсин, чопқиллашиб кран сувига бўктириб, ея бошлашибди. Оғилхонадан сигир соғиб қайтаётган келинойим ўз болалари қўлидаги нонни кўргач, юлқиб олиб, ит ялоғига отибди. Буниси ҳолва экан. Бир маҳал пайкал этагида полизга тараш бераётиб акамнинг кенжаси Анваржоннинг жон ҳолатда чинқириғидан кўрқиб, ҳовлига чопдим. Келиб, қай кўз билан кўрайки, Арофат келинойим кенжасини оёғининг тагига олиб, жонҳолатда тепкилаяпти. Хотиним ажратмоқчи бўлган экан, бир мушт билан суроби тўғриланибди. Ерда ўтирганича моматалоқ бўлган чап юзини ушлаб йиғлаяпти. Болани зудликда ердан кўтариб олдим. Кўрқувдан тарашадек қотиб қолган болакай жажжи панжасидаги ивиган иссиқ нонни маҳкам тутганича ҳушидан кетаёзганди.

Шу топда Анваржон қолиб, менинг жоним ҳалқумимдан чиқиб кетаётгандек, дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Акамнинг кенжасини ўз боламдек яхши кўраман. Бозордан у-бу харид қилсам, акамнинг болаларига ҳам кўшиб оламан. Анваржонга ўзи ёқтирадиган егуликлар олиб келаман. Мени худо ўғилдан қисган. Тўртала қизим ҳам Анваржонни ўз укасидек яхши кўришади. Атрофида парвона бўлиб, эркалашади. Катта қизим шошганича кафтларида сув олиб Анваржоннинг юзига сепди. Қонталаш бўлиб кетган қовоқларини аранг очиб, мени кўргач, бесабаб хўрликка чидай олмай, хўнграб юборди. Бутун ҳовлини тўлдирган болалар худди шуни кутиб тургандай, жўровоз бўлиб йиғлашарди. Ниҳоят сабр косам тўлиб:

— Келинойи, — дедим болаларга кўшилиб йиғлашдан ўзимни зўрға ушлаб. — Шу ҳовлидан кўчиб кетсак, муродингиз ҳосил бўладими? Бу бола қандай гуноҳ қилдики, оёқости қилиб тепасиз. Ундан кўра ана хотинимни нимта-нимта қилиб урмайсизми. Шу беғуноҳ бола ҳақи... Ҳовлидан кўчиб кетсак...

Гапим бўғзимда қолди. Келинойим бидирлаб кетди:

— Чилласи чироқ кўрмаган гадой хотинингни башараси курсин. Ҳали икки юзини ҳам чўтир қилмасам Арофат отим бошқа бўлсин.

Шу алфозда қаёқдандир акам келиб қолди. Нима гаплигини

сўраб ўтирмади. Келинойимга бўридай ташланди. Мушт билан ер парчин қилгач, боши, қорни аралаш тепа бошлади. Анваржонни катта қизимга тутқазиб, акамни маҳкам кучоқлаб олдим. У негадир овоз чиқармай йиғлаётганди. Мен ўзимни тутиб туrolмадим. Акамга қўшилиб йиғладим. Сўнг тилимга эрк бердим:

— Акажон, — бирдан меҳрим товланиб кетди, — бу жабр-ситама бизга нега керак? Сизни ҳам қийнаб юбордик, бугун шаҳарга кўчаман, шу тунни қишлоқда ўтказсам, хотиним талоқ бўлсин, деб юбордим. Акам қўлимдан сирғалиб чиқиб, инграб ётган хотинини яна тепа бошлади. Мен акамни судраб келинойимдан узоқлаштирдим. Акам сўнг... Сўзингни қайтариб ол, деб туриб олди. Бор гап шу...

Бу пайт машинамиз қишлоқнинг нотекис кўчаларидан ўтиб борар, ҳаёт сўқмоқларидаги тўсиқлар олдида бардошини обдон синовдан ўтказиб чарчаган, баногоҳ тилига эрк берган, энди муқаррар ташлаб кетиши тайин бўлган беғубор болалиги кечган, бир неча йилдирки, ҳаловатсиз хонадон сари яқинлашаётган эдик.

— Келдик, — деди мижозим ичини анча бўшатиб олганидан ўзини бироз дадил тутганча, бўёқсиз эшик олдига етганимизда. Ярим очиқ дарвоза ортида кўч-кўроннинг бир қисми кўзга ташланиб турарди. Йигит тушгач, машинани қайтариб, эшикка яқин келтириб қўйдим.

Кўч-кўрон мен кутгандан ҳам жадал уловга чиқарила бошланди. Қаёқдандир маҳалланинг беш-олтита ёшлари пайдо бўлди-ю, гап-сўзсиз юк ташишга киришишди... Мен ҳовлига зимдан разм солдим. Каттагина. Ҳовлига бир-икки кун орасида супурги тегмаган. Афтидан, овсинлар ўртасида бу юмуш сансалор бўлиб, аросатда қолган. Хомток қилинмай, ҳар томонга осилиб тушган узум ишкоми тагида 5-6 ёшлар чамасидаги озгин, билакчалари қорайиб кетган болакай бир сониядан сўнг содир бўлажак кўргуликларни олдиндан сезгандай, гоҳ менга, гоҳ машинага юкни абжирлик билан қўлма-қўл қилиб ташиётган йигитларга қовоқ уйганча норози қиёфада тикилади. Хўрлиги келиб йиғламоққа шайланади. Ҳовли тўридаги айвонли уйга хавотирда тикилади. Ҳеч ким кўринмагач, товуш чиқариб ҳиқиллаб қўяди.

Ҳаял ўтмай, юк ортиб бўлинди. Айвонли уйдан ёши етмишлардан ошган, гавдасига номуносиб чаққон ҳаракат билан семиз аёл тушиб келди. “Аёл шу хонадоннинг яқинларидандир, ҳозир оқ фотиҳа билан кузатса керак” деб ўйладим.

Семиз хотин салом-аликни насия қилиб, дарбоза олдида йўқлай бошлади.

– Ҳой, Сапар, бу ёққа кел.

Ўз ҳовлисида бегонадек турган мижозим бошини экканча хотинга яқинлашди.

– Оларингни олиб бўлдингми?

– Ҳа, – деди мижозим атрофга мустар тикилганча.

– Энди, бу ёғи битта арқон қолибди.

– Қанақа арқон? – Сафарали елка учирди. – Менга нима кераги бор? “Дом”да мол боқармидим”...

Бирдан таҳликага тушиб қолдим: “Нима бало, ҳали юкни туширмасак эди... Шу улов агар шу ердан кўч-кўрони билан кўзгалса, ўзимни осаман, деб туриб олса-я. Оббо.”

– У ёғи энди, сенинг ишинг, иним. – Аёл узиб-узиб ниқтади. – Лекин ҳозир арқон керак. Арқон узди қиламиз, тамом-вассалом. Саидгани, сенам уйда писиб ётавермай, буёққа чиқ.

– Хола, – ёрилди Сафарали синиқ товушда, – мени хонадондан ҳеч ким қувиб солаётгани йўқ. Ўз инон-ихтиёрим билан оиламни кўчириб кетяпман. Қолаверса, бу ҳовлида ота-онамнинг изи бор. Келиб бир ҳовуч фотиҳамни бағишлаб тураман.

– Ҳо, кўнглингни кўчасидан ўргилай. Кўч-кўронингни кўтардингми, тамом – бу хонадонга қайтиб қадам босмайсан. Ҳозир қадимгилар удумини қўллайман. Арқоннинг бир учини аканг Саидгани ушлайди, бир учини сенга тутқазаман. Таранг тортиб турасанлар. Мен тиғ билан ўртасидан узаман. Шу билан ака-ука бегонага айланасанлар, юзкўрмас бўласанлар. Қани арқон? Топ ўша арқон сабилни... Ана, мол турибди экан. Чилвирини ечиб, олиб кел.

Томошаталаб қишлоқ болаларидан бири мол арқонини ечиб келтирди. Шу онда мижозим Сафаралига қараб, раҳмим келди. Хонадондан узолмаган кўнглини арқон билан узишга бел боғлаган хотинга мўлтайганча не қиларини билмай, гаранг бўлиб турибди. Менинг вақтим кетяпти. Тунда уловга тарвуз юклаб, шаҳарга равона бўлишимиз керак.

Айвонли уйдан акаси Саидгани ҳам чиқай демайди. Демак, Сафарали айтганидек, акаси ҳам укасидан жудо бўлиб қолишни истамайди. Бу семиз хотин эса икки оёғини бир этикка тикиб олиб, бир қориндан талашиб тушган жигарларни бир-биридан ажратмоқчи. Чидаб туролмадим. Икки-уч одим юриб, хотинга яқинлашдим:

– Хола, сиз бу хонадонга қариндошмисиз? – сўрадим.

Қўлига арқон тутганча сенга нима, бировнинг ишига тумшуғингни тикма дегандек, менга гўштдор бурнини жийирганча беписанд боқди. Важоҳатимни кўргач:

– Катта келиннинг аммаси бўламан, тузукми, энди бир камим кирақашларга ҳисоб беришим қолувди, – дея зардаси қайнаб шанғиллади.

– Ҳайф сиздек қариндошга! – буни мен ичимда айтдимми, ёки сиртимда, билмайман. Қўлим қандай арқонга борганини сезмадим. Уни буклаб жон-жаҳдим билан қўшнингнинг болохоналик томига отиб юбордим.

– Имон-эйтиқодимдан айрилмай десангиз, ота уйидан қўзғалаётган мана бу йигитга оқ йўл тиланг. Ёруғ юз, тоза виждон билан кузатинг...

Кутилмаганда карахт бўлиб қолган амма гўёки илон сеҳрлагандек чекинди:

– Умр бўйи ит-мушук бўлиб ўтмайсанларми, менга нима? – вайсаганча айвонли уй томон кетди. Сафарали хотини, қизларини имлаб кўчнинг бир чеккасидан ҳозирланган жойга чиқарди. “Маҳкам жойлашиб олинглар”, – деб тайинлади. Шу топда илкис айвонли уй томондан Саидғанининг момақалдироқдек товуши эшитилди:

– Шошма ука, янги уйга ўзим жойлаб келаман.

Сафарали турган жойида ҳайкалдек қотди. Масофа икки-уч одим қолганда бир-бирларига талпинишди. Сингиб кетгудек бағирлашди. Саидғани ҳам, Сафарали ҳам товуш чиқармай йиғлар, бу кўз-ёшлар қўмсашнинг жафосиданми, воқеа ҳарнечук яхшилик билан хотима топаётганиданми, англаш душвор эди.

Саидғани укасининг бағридан сирғалиб чиқиб, машина юкхонаси тахтасига тирмашди.

– Йўқ ака, сиз шофёр ёнига. – Кўзини рўмолча билан артаётган Сафарали жигарини кабина томон оҳиста итарди. Ишком тагида боядан бери финғшиб ўтирган болакай отаси томон югурди.

– Менам борама-ан...

Саидғани эътироз билдирмади. Ўғлини даст кўтарганича аллақачон қўл чўзиб турган укаси Сафаралига узатди.

Уловни жойидан қўзгатганимда, ҳашарда бўлган қўни-қўшни болалар хушнуд қиёфада қўлларини силкитганча қолдилар...

## МУНДАРИЖА

### БАДИАЛАР

Тун бағридаги шарпа.....	3-32
Ортада қолган турналар.....	33-56

### ҲИКОЯЛАР

Паришонхотирлик.....	57-59
Қордаги лола.....	59-62
Кўринмас девор.....	62-64
Арқон узиш.....	64-70

1900с

Собиржон ИНОМОВ

ТУН БАҒРИДАГИ ШАРПА

*Бадиалар ва ҳикоялар*

Муҳаррир: *Ш. Нишонов*  
Бадий муҳаррир: *А. Турсунов*  
Техник муҳаррир: *Рустам Исакулов*  
Мусаҳҳиҳлар: *З. Жалилова*

Босишга 2.02.2007 йда рухсат этилди.  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Босма табағи 4,5. Адади 1000 нусха.  
Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 10

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.  
Тошкент, Х. Сулаймонова кўчаси, 33